O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 13-may • № 20 (3797)

Токиодан мактуб

Кёко НАКАЯМА:

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМНИ ЙЎЛЛАЙМАН

Ўзбек зиёлилари бундан бир неча йил аввал Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида фаолият кўрсатган Кёко Накаяма хонимни яхши эслашади. У япон ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янги босқичга кўтариш йўлида катта ғайрат-шижоат кўрсатгани кўпчиликка яхши маълум. Хусусан, ўзбек адабиётини — Японияда, япон адабиётини — Ўзбекистонда кенг тарғиб-ташвиқ этиш борасида у бир қатор ибратли ишларни амалга оширган эди.

К.Накаяма хоним Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва умуман ўзбек адиблари билан дўстона ижодий муносабатларини кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирмоқда. Шу йил 26 март куни К.Накаяма хоним Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюрган, дўстона суҳбат асосида ўзининг Ўзбекистон ҳақида китоб ёзаётганини маълум қилган эди. Айниқса, К.Накаяма хонимнинг буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг «Хамса» асарини япон тилига таржима қилиш лойиҳаси мазкур учрашув қатнашчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланган эди.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ҳозирда БМТнинг махсус ислоҳотлари бўйича Япония элчиси сифатида фаолият кўрсатаётган муҳтарама К.Накаяма хонимдан ушбу миннатдорлик мактуби келди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси жаноб Абдулла ОРИПОВга

Аввало, Сизга шу баҳор айёмида ўзимнинг самимий эҳтиромимни изҳор қиламан.

Имкониятдан фойдаланиб, Сиз билан учрашувимиз ва суҳбатимиз ҳамда Сизнинг Японияда ўзбек адабиётини ўрганиш борасидаги маслаҳатларингиз учун қизғин миннатдорлик билдиришимга рухсат бергайсиз.

Японияга қайтганимдан кейин ўзбек адабиётини ўрганаётган мутахассислар билан учрашдим ва Алишер Навоий «Хамса»сини япон тилида чоп этиш бўйича лойиҳани рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқдаман.

Ўйлайманки, гарчи бу иш кўп вақтни олса-да, лойиҳани амалга ошириш Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сизга, муҳтарам Абдулла Орипов, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман ва чин қалбимдан барча ўзбек адибларига янги ижодий ютуқлар тилайман.

Кёко НАКАЯМА,
БМТнинг махсус ислоҳотлари бўйича Япония элчиси

ФАХРИЙЛАР

Тортган заҳматингиз юкдир дилларда,
Кўрган умрингиздан ҳеч тонмадингиз.
Ёшлигингиз кечди олов йилларда,
Танклар ёниб кетди,
Сиз ёнмадингиз.

Бугун чой ўрнига хотира дамлаб,
Яшарсиз гоҳ шодон,
Ғамгинсиз гоҳо,
Саксон ёшли ўсмир Матёқуб домла,
Саксон яшар бола Назармат бобо.

Сирожиддин САЙЙИД

ҲИРОТ САРИ ЙЎЛ

ёхуд бунёдкорлик тимсоллари

2. Қумқўрғондан Бойсунгача

Ўзбекистон пойтахтидан йўл олган шинам поезд «Бойсун» шохбекатига кириб келар экан, майин ёмғир ёға бошлади. Томчилар бу кунни орзиқиб кутган минглаб бойсунликларнинг севинч ёшлари каби илиқ эди. «Регистон», «Шарқ» дея гўзал номланган ораста вагонларни тўлдирган янги темир йўлнинг биринчи йўловчилари — меҳнат фахрийлари, уста темир йўлчилар, жамоатчилик намояндалари, шоир ва адиблар, журналистлар, санъаткорлар учун ҳам бу тарихий воқеанинг шоҳиди бўлиш чинакам байрам эди. Замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаган вокзал биносию унинг ён-атрофини тўлдирган минг-минглаб бойсунликлар, янги йўлни қисқа муддатда қуриб битказган йўлсозлару узоқ-яқиндан бу воқеага атай етиб келган меҳмонларнинг ҳам қувончи чексиз. Ахир, Бойсундай жойга — тоғлар орасига тамаддун мўъжизаси — темирйўл келди. Олис тарихдаги нене орзулар мана бугун — Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан рўёбга чиқди. Бу йўллар — Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлидаги Президент Ислом Каримов ташаббуси ва жонбозлиги самараси, озодликка эришган халқимиз бунёдкорлигининг тимсоли. Бундай буюк воқеаларни муносиб даражада назм этмоқ Абдулла Орифдек улуғ шоирларимизга ярашади:

Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,
Йўлларингга сочқилар сочилмаган дердилар.
Ҳамма гулинг чарақлаб очилди-ку, оҳ, юртим,
Йўлларингга зар-кумуш сочилди-ку, оҳ, юртим.

Айтмасинлар ғанимлар, кимларгадир зор бу юрт,
Алпомиши, Темури, Алишери бор бу юрт.
Аллоҳ ўзи етказган инъомини асрагай,
Туғросини, тахтини, Исломини асрагай.

Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,
Ўзбегимсан ҳамиша, юпунмисан, боймисан.
Ватандошим, шу тенгсиз Ватанни куйлашайлик,
Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.

Давоми иккинчи бетда.

Муҳаррир минбари

ҲАММАМИЗГА ТЕГИШЛИ ТАНБЕҲ

Бир даврада «Журналистлар китоб ёзишмайди, ёзган-чизганлари газеталарнинг сарғайиб кетган тахламларида қолиб кетади, холос» деган мулоҳаза бўлди.

Дарҳақиқат, журналист ҳамкасбларимиз қаламига мансуб китоблар у қадар кўп эмас. Газета учун шу куннинг мавзусида шу куннинг нафаси билан ёзилган аксарият мақолаларнинг умри узоқ бўлмайди. Негаки, ўткир муаммоли мақолалар, таҳлил ва тадқиқотларда, жамият ва шахс муносабатларига доир кузатувларда журналист аниқ-равшан воқеа-ҳодисаларга, факт ва рақамларга, меъёрий ҳужжатларга бевосита мурожаат этади, уларга таяниб фикрлайди. Вақт ўтиши, кўтарилган муаммонинг ечими туфайли ҳолат у ёки бу томонга қараб ўзгариши мумкин.

Бир қарашда, бунинг ёмон жойи йўқ. Журналистнинг ёзуғи асли шундай. У вақт билан ҳисоблашиши, вақтдан бирмунча олдинда юриши, таҳлилларида кечани бугунга, бугунни эртага қиёслаши даркор. Ривожланаётган жамиятда эса ютуқлар баробарида муаммоларнинг ҳам бўлиши табиий. Негаки, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳеч қачон бир даражада тўхтаб қолмайди. Биноборин, бир муаммонинг ечимидан бошқа бир муаммо келиб чиқиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриётида яқинда босмадан чиқарилган андижонлик истеъдодли журналист Абдумутал Абдуллаевнинг «Сийратга сайр» тўпламини ўқиб шу мулоҳазалар кўнглимдан ўтди. Абдумутал матбуотимизда узоқ йиллардан бери самимият билан қалам тебратиб келаётган, ҳар бир чиқишида маънавий тарбияга доир керакли ва зарур мулоҳазаларни дадил айтаётган қаламкашларимиздан бири. Тўғриси, ушбу рисоладан ўрин олган аксарият эссе ва бадиаларни ўз вақтида газеталар саҳифаларида ўқиганман. Аммо муаллиф, бошқа ҳамкасбларимиздан фарқли ўлароқ, улар устида ишлашни давом эттириб, ҳар бирига янада сайқал бериб, ўқишли ва ибратли китоб ҳолига келтирибди. Равон тили, ибратомуз ҳикоялари сизни, шубҳасиз, ўзига жалб этади. Муаллифнинг ҳаётимизда, ён-атрофларимизда кечаётган жараёнларга доир зукко кузатувлари ўқувчини айни шу тўғрида мустақил равишда фикрлашга, ўзи учун тегишли хулосалар чиқаришга ундайди.

«Сийратга сайр»ни ўқир эканман, қани энди, бугунги бир қатор пешқадам, сўзли ва фикрли журналистларимизнинг ҳам шундай китоблари чиқса, деган истак пайдо бўлди. Негаки, илҳом билан ёзилган, кимгадир, нимагадир нафи теккан, тегадиган, жамият ҳаётидаги бирор бир иллатнинг илдизига болта урган, муаммонинг ечилишига туртки бўлган мақолалар шундайлигича қолиб кетмаслиги керак.

Бу истакнинг, шубҳасиз, асоси бор. Бугун газеталаримизда мароқ билан ўқиладиган, матбуотимизнинг ашаддий танқидчиларига ҳам хуш ёқадиган, вақт синовига дош бера оладиган мақолалар йўқ эмас. Матбуот жамиятнинг муҳим демократик институти сифатида ўз вазифасини тўғри ва холис бажаришга чоғланаётгани ҳам бор гап. Аммо малакали қадрлар масаласида жиддий танқислик мавжуд. Сўз масъулияти, бадиий маҳорат ва таҳрирда оқсаётганимиз сир эмас. Журналистикага оид дарслик ва қўлланмалар асосан назарий талқинлардан иборат бўлиб, амалиётга доир бугунги талабларга тўла жавоб бера олмайди. Бундай шароитда тажрибали қаламкашларимизнинг «Сийратга сайр» янглиғ тўпламлари ёш мухбирларга, бўлажак журналистларга ҳар жиҳатдан намуна бўлиши мумкин-ку.

Журналистика факултетларимизда матбуотимиз тарихи бугун анча чуқур ўрганилмоқда. Аммо битирувчи босқич талабаларидан, магистрларимиздан матбуотимизда, узоққа бормайлик, етмишинчи-саксонинчи йиллари самарали меҳнат қилган, бутун умрини газетачиликка бағишлаган, газета бўёғини ҳидлаб суяги қотган Аҳмад Исмоилов, Холбек Ёдгоров, Усмон Жонгитов, Жўра Холқосимов, Холида Аҳророва, Яйра Саъдуллаева, Раҳимберди Умаров, Дилбар ва Санъат Маҳмудовалар, Карим Раҳим, Абдулла Пўлатов, Содиқ Маҳкамов каби фидойи журналистлар тўғрисида бир сўраб кўринг-чи? Исмоил Сулаймонов қайси газеталарга муҳаррирлик қилган, Худойберди Тўхтабоев қайси жанр ривожига ҳисса қўшган, Абдулла Пўлатовни нега «Ахборот қироли» дейишган?» дея савол беринг-чи? Бирор жўяли жавоб олишингиз қийин.

Суратларни таҳририятга вақтида етказиб келиш учун поездан сакраган фотожурналистни бугунги ёш мухбирлар билишадими? Умрининг сўнгги соатларида ҳам газетани ўйлаган, газетани соғинган, мақола қоралаб ўтирган Мирзакарим Пирматов, Хўжамурод Қўлдошев, Ғуломхон Ғофуровларни-чи? Билишмайди! Эркин матбуот, эркин ижодий тафаккур тўғрисида АҚШнинг собиқ Президенти ёки ғарблик машҳур олимнинг маърузасидан янглишмай кўчирма келтираётган талаба, афсуски, матбуотимизнинг кечаги кунига доир энг оддий ахборотлардан ҳам бехабар.

Матбуотимиз тарихига назар ташлаганда, XX аср бошидаги ахборот воситалари қаби коммунистик тузум ҳукмронлиги йилларининг етакчи нашрлари фаолиятини ҳам бир маънода ўрганишимиз зарур, деб ўйлайман. Негаки, матбуот мустақил бўлмай, ҳукмрон мафкуранинг қуролига, жазоловчи «ур тўқмоғи''га айланиб қолиши жамият учун ҳам, матбуотнинг ўзи учун ҳам бениҳоя зарарли эканлигини, журналист сўзи ҳайбаракаллачилик, маддоҳлик либосини кийса, чала ҳақиқат ботқоғига ботса, бу энди ижодкорнинг ҳам фожиаси эканлигини ёш ўринбосарларимизга кечаги тузум матбуоти амал қилган тамойиллар мисолида чуқур ва атрофлича тушунтириб беришимиз керак-ку! Бунда, энг муҳими, тоталитар тузум шароитида ҳам тўғри ва адолатли бўлишга интилган, ҳалоллик ва ростгўйлик йўлидан чекинмаган ҳамкасбларимизни, уларнинг ибратли ҳаёт йўлларини фарқлаб олишдир. Токи, ўтмиш хатолари бундан буён такрорланмасин, ҳар бир нашр, ҳар бир журналист ўз сўзи, ўз фикри, нуқтаи назарига эга бўлсин, ҳақиқат ва адолат курашчисига айлансин.

Ғазетачиликда мавзуга қайтиш, деган анъана бор. Бугун биз ёзмоқчи бўлган, ёзаётган мавзуларни, айтайлик, етмишинчи йиллари қандай ёзишган экан, саксонинчи йиллари қандай баҳс-мунозаралар урф бўлган экан, дея баъзан газета таҳламаларини варақлаб қолсангиз, кўзингиз зап қизиқ нарсаларга тушади. Ҳижолат тортиб кетасиз. Ҳаддан ташқари бўрттирилган ҳамду саноолар, юзаки таҳлиллар, уюштирилган «ур тўқмоқ» айбловлар...

У йиллари фирқа доҳийларининг узундан-узоқ маърузалари газеталар саҳифасини тўлалигича эгаллаб турарди. Улар матни ҳали босмахонага етиб бормай, бу муҳим тарихий ҳужжатга «отклик» уюштириш, бировлар номидан мақола ёзиш кампанияси бошланар, энг маҳоратли журналистлар ҳам бундай сафарбарликдан четда қолмас эдилар.

Бугун бундай «ижод» намуналарини ўқиб, матбуотда нимани ёзиш керагу нимани ёзмаслик керак, қандай ёзиш керагу қандай ёзмаслик кераклиги ҳақида ўйлаб қоласан. Зеро, шу икки нарсани аниқлаб олмасак, умр беҳудага ўтаверади, вақти-соати келиб, андижонлик ҳамкасбимиз каби бир оддий тўплам тайёрлашимиз ҳам муаммога айланади. Бордию шундай қилмасак, кун келиб бизни ҳам унутишади. Нима ёзган эди, қандай ёзган эди, нима муаммони кўтариб чиққан эди, нимани ҳал қилиб берган эди, деган саволлар, худди бугунгидек, жавобсиз қолиб кетаверади.

Бу танбеҳ, беистисно, ҳаммамизга тегишлидир.

Ўзбеклар ва дунё

ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбек режиссурасининг келажаги қандай бўлади? Бундан буён Маннон Уйғур, Тошхўжа Хўжаев, Баҳодир Йўлдошев каби режиссёрларнинг муносиб давомчилари бўлишга қодир ёшлар санъат оламига кириб келадими? Умуман, ўзбек миллий режиссурасининг XXI асрдаги қиёфасини қандай тасаввур қилиш мумкин?

Назаримизда, Ўзбек Миллий академик театрида ўз ишини якунлаган «Дебют — 2005» фестивали бу каби саволларга бир қадар ойдинлик киритгандек бўлди.

Тадбир давомида республикамизнинг турли вилоятларида иш бошлаган ўнта ёш режиссёрнинг дастлабки ишлари мухлислар ва мутахассислар ҳукмига ҳавола этилди. «Миршаб, қароқчи, айғоқчи ёки актёрлар ҳаётидан бир лавҳа», «Эркин жуфтлик», «Аёллар машмашаси», «Заҳарли томчилар», «Боғ», «Маъшуқаи Маликага ҳадя», «Берк кўча», «Ўлим жазоси», «Хазон бўлган умр», «Падаркуш» каби турли жанр ва мавзулардаги спектакларни саҳнага олиб чиққан Аҳмадулло Ниёзов, Полина Шумилова, Гулруҳ Нажидова, Бахтиёр Позилов, Шуҳрат Абдуллаев, Гўзал Сулаймонова, Феруз Тошхўжаев, Ойжамол Тўремуратова, Фарҳод Болтаев, Жўрабек Рўзметов каби ёш истеъдодлар ўз овозлари, ўз талқинлари билан ўзбек театр санъати равнақига хизмат қилиш ниятида эканликларини намойиш этдилар.

Албатта, фестивал спектакларининг ҳаммаси ҳақида бирдек фикр билдириш мушкул. Лекин, муҳими, ёш режиссёрлар томошабинни ўйлашга, ҳаётга фаол муносабатда бўлишга даъват этдилар. Айни вақтда устозлари, ҳамкасблари, мутахассислар ва мухлислар муносабати орқали ўзлари учун зарур хулосалар чиқариш имконига эга бўлдилар.

Алишер Навоий номидаги Наманган театри режиссёри Шуҳрат Абдуллаев тадбир ҳақида шундай дейди:

— Дастлабки ишим шундай нуфузли фестивалга қўйилганидан жуда хурсандман. Бундай тадбирлар бизга ўхшаган ёш ижодкорлар учун кенг имкониятлар сари йўл очади.

Вақт ўтиб, янада яхшироқ спектакларни мухлисларга тақдим этиш ниятидаман. Мақсадим — устозлар изидан бориб, халқона, миллий руҳ билан суғорилган комедия, драма ва трагедиялар устида ишлаб, ўзбек театри ривожига ҳисса қўшиш.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев сўзга чиқди.

АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ САРОЙИ

Ғарбий Оврўпо халқлари адабиётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ниҳоятда кўп, бироқ Соҳибқирон ҳақидаги илк асарлар эсдаликлар тарзида ёзилган бўлиб, улар Амир Темур замондошлари қаламига мансубдир. Шулардан бири Эрондаги Султония шаҳрининг архиепископи Жан(Иоанн)нинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»(Memoires sur Tamerlan et sa cour) асаридир.

1403 йил май ойининг бошида Парижда бир руҳоний пайдо бўлиб, ўзини Амир Темурнинг элчиси деб таништиради. Чиндан ҳам у заҳрал ҳарфлар билан битилиб, Амир Темурнинг мўъжазгина муҳри босилган мактубини Франция қироли Карл VIга топширади. Мактубни топширган Султония архиепископи қирол саройида Карл VI ва Франциянинг Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон ва Британия герцоглари ҳамда бошқа аъёнлар ҳузурида нутқ сўзлаб, ташрифининг икки сабабини айтади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасини маълум қилиш; иккинчиси — Амир Темур билан Карл VI ўртасида доимий дипломатик алоқалар ўрнатиш.

Жан Рим папаси Бонифаций IX томонидан 1398 йил 23 августда Султония шаҳрининг архиепископи этиб тайинланган (Jean Richard, La papaute et les missions d'Orient au Moyen Age (XIIIe — XVe siecles). Ecole francaise de Rome, 1977, pp. 181 — 182; La route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ruy Gonzalez de Clavijo. Imprimerie Nationale, Paris, 1990, p. 51).

Жаннинг айнан ўша йиллари Султонияда хизмат қилганлигини таниқли француз шарқшунос олимлари Силвестр де Саси (Memoire sur une correspondance inedite de Tamerlan avec Charles VI. Memoires de l'Academie des inscriptions et belles-lettres. Paris, 1822) *ва Х.Моранвиле* (Memoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403. Extrait de la Bibliotheque de l'Ecole des chartes. Paris, 1894) *ҳам тасдиқлайдилар.*

Архиепископ Жан Франция қироли Карл VI топшириғига биноан ўзининг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ини ёзади. Асар 23 қисм(боб)дан иборат. Унда Соҳибқирон Моваро‌уннаҳр тахтига чиққан пайтдан 1402 йил август ойигача бўлиб ўтган асосий воқеа ва ҳодисалар тилга олинади.

«Хотиралар» билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва ҳақиқат омухтасидан иборат асар, деган таассурот туғилиши табиий. Ҳақиқатан ҳам муаллиф Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бизга маълум ва номаълум афсона-ривоятлардан кенг фойдаланган. Масалан, Амир Темурнинг амир Ҳусайн элчилари олдида ишлатган ҳийласи (I боб) ва Соҳибқирон билан Эдигни(Идику) ўртасидаги муносабат (XVII боб) ҳақидаги ҳикоятлар шулар жумласидандир. Бироқ, «Хотиралар»да бошқа манбаларда мавжуд аниқ тарихий маълумотлар ҳам кўп.

Архиепископ Жаннинг «Хотиралар»и Соҳибқирон билан Самарқандда учрашган овруполик бошқа бир элчи — Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундаликлар»и каби Амир Темур шахси, унинг ҳаёти ва фаолиятига доир бебаҳо ҳужжат ҳисобланади. «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» таржимасида муаллиф услубини сақлашга интилдик. Қавс ичидаги изоҳлар таржимонники.

Асар ўзбек тилида илк бора айрим қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда.

Давоми бешинчи бетда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Республика халқ ижоднёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази,
Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда

2005 йил 17 май куни Термиз шаҳрида "Бойсун баҳори" Халқаро очиқ фолклор фестивали доирасида

БАХШИ ШОИРЛАР ВА ОҚИНЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО КЎРИК-ФЕСТИВАЛИНИ ўтказади

Фестивал 17 май куни соат 10.00 да Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида ўз ишини бошлайди

ФЕСТИВАЛ ҒОЛИБЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ТОМОШАСИ ВА УЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ 20 май куни Бойсун туманида бўлиб ўтади

Ташкилий қўмита

Анжуман

БЕҲБУДИЙНИ АНГЛАШ

Беҳбудий ҳаёти ва ижоди билан дастлаб мактабда танишганмиз. Ундаги Ватан ва миллатга муҳаббат — биз ёшларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўларли. Улуғ алломанинг «Ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиратда маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдир. Қадрини билмоқ керак. Сотмасғa ва ўлгунча айрилмасғa керакдур», деган сўзлари қалбимга муҳрланиб қолган. Ватанга муҳаббат мана бундай бўлибди-да.

Мана шу таассуротларим сабаблими, ҳозир ўзим таълим олаётган мўътабар даргоҳ — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Маданият саройи»да Беҳбудийнинг 130 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманни илҳақлик билан кутдим. Ушбу анжуман Беҳбудий ҳақидаги тасаввурларимни беҳад кенгайтирди. Университетимиз ректори профессор Равшан Ашуров кириш сўзи билан очган анжуманда таниқли олимлар, филология фанлари докторлари Нурбой Жабборов, Наим Каримов, олим ва журналист Ҳалим Саййид, доцентлар Сирожиддин Аҳмад, Улуғбек Долимов ва Бойбўта Дўстқораевларнинг янгиликларга бой маърузаларини тингладик.

Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган анжуман биз талабаларда катта таассурот қолдирди. Беҳбудий ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқишимиз беҳад ортди. Умуман, шундай тадбирларнинг нечоғли фойдали бўлишини юракдан ҳис этдик.

Анжуманни бошқарган факультетимиз декани профессор Баҳодир Каримов биз — биринчи курс талабаларининг келажакда миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, хусусан, Беҳбудий ижоди тадқиқотчилари бўлишимиз эҳтимоли ҳақидаги сўзини ўзимга юклатилган масъулиятдек ҳис этдим. Шу давр бўйича мутахассис бўлишни орзу қилдим.

Бундай анжуманлар, шубҳасиз, биз ёшларнинг улуғ аждодларимиз мероси моҳиятини чуқур англашимизда алоҳида ўрин тутади.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

БУГУНГИ СОНДА:

3 ҲУР ҚИЗ

4 ТАРИХ ВА БАДИЙ ТАЛҚИН

6 КЎНГИЛГА НАЗАР

ҲИРОТ САРИ ЙЎЛ

ёхуд бунёдкорлик тимсоллари

● Кўҳна Бойсунга поезд келди.
● Бу йўлдан «Алпомиш» поездлари қатнайди.
● Яна икки йилдан сўнг Деҳқонобод ва Бойсун оралиғида темир йўллар туташади ва Ўзбекистоннинг ягона темирйўл тизимини яратиш борасидаги навбатдаги қадам ниҳоясига етади.
● Кофрун дарасида янграган садо.

Боши биринчи бетда.

Бойсунга биринчи поезднинг келиши — Тошгузар-Қумқўрғон янги темирйўл тармоғининг Қумқўрғон-Бойсун қисми қуриб битказилишига бағишланган тантанали тадбирни Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуродов очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев йўлсозлар ва барча бойсунликларни ушбу тарихий воқеа билан самимий қутлар экан, мамлакат ижтимоий тараққиётидаги бу воқеа Ўзбекистоннинг улуғ келажак сари қўйган залворли қадамларидан эканини алоҳида таъкидлади.

— Биз халқимиз фаровонлигини таъминлайдиган, мамлакат нуфузини оширадиган, одамлар белига қувват, кўзига нур, қалбига фахр-ифтихор бағишлайдиган эртанги истиқболимизга мана шундай алп қадамлар, мана шундай улуғ йўллар билан бормоқдамиз, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. — Бугунги кун, мана шу дақиқалар нафақат бойсунликлар, балки ҳаммамиз учун тарихий кундир. Бу воқеага бағишлаб достонлар, романлар ёзса арзийди. Алпомишу Барчинойдек улуғ қаҳрамонлари бор халқимизнинг ижодий фантазиясида ҳам темирйўл мисоли орзуларни учратмаган эдик. Халқимизнинг улуғ ғайрат-шижоати, юртимизнинг тинч ва осойишталиги боис мана шундай улуғ йўлларни қурмоқдамиз.

Менинг болалигим тоғнинг у томонидаги Кўнғиртов қирларида кечган. Талабалик кезларимиз Бойсунда туғилиб ўсган, эндиликда Ўзбекистон халқ ёзувчиси бўлган Шукур Холмирзаев билан мана шу жойларга баҳор ва куз чоғлари келиб кетар эдик. Ҳарнечук, у йўллар азобли ва машаққатли эди. Шу сабабли таътилимизнинг ярми ўша йўлларда қолиб кетарди. Энди эса мана ёнимизда Алпомишнинг Бойчиборидек пўлат тулпорлар кишнаб турибди. Бу йўллар тез орада — ўтган йилнинг августида тоғнинг у томонидан Деҳқонободга келган янги йўлга туташади. Қурилишнинг бугунги авжи шундан далолат бераётир. У битгач, йўл бўйидаги манзилларда ўнлаб янги конлар, халқимиз, одамларимиз учун янги иш ўринлари очилади. Бугина эмас, шубҳасиз, бу йўллардан маънавият карвонлари ҳам тўхтовсиз қатнаб туради. Бундай жаҳоншумул режани жасорат билан ҳаётга татбиқ этиб бораётган, буюк қурилишга раҳнамолик қилаётган Юртбошимизга бу ташаббус учун тасаннолар айтамиз. Бу йўл юртимиз тараққиёти алп қадамлар билан давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раиси Очилбой Раматов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қуддус Аъзамов, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси раҳбари ўринбосари Маргарита Шубина, бойсунлик 80 ёшли меҳнат фахрийси Райим бобо Шарипов, фахрий темирйўлчи Шоиноят Шоабдураҳимов ва бошқалар халқимиз бунёдкорлиги рамзи бўлган янги темирйўл тармоғининг ишга туширилиши муносабати билан ўз миннатдорликларини билдирдилар. Сўнг тантанали тадбир санъат усталари иштирокидаги куй-қўшиқларга уланиб кетди. Йўлсозлар, тумирйўлчилар шарафига қутлов сўзлари янгради.

* * *

Бир кун аввал шу бекатга етиб келганимизда пойтахтдаги «Боштранслойиҳа» институти директори Рустам Рўзиевни мамнун кайфиятда учратдик. Унинг шодлиги чексиз эди. Ахир юртимизни жаҳон йўл-транспорт коммуникацияларига туташтирадиган ушбу темирйўл ҳалқасининг тарҳи у раҳбарлик қилаётган лойиҳачилар ҳамда «Тоштемирйўллойиҳа» институти меъморлари томонидан яратилган. Рустам Васиқович журналистларни салкам олтмиш километрлик янги трасса билан танишишга таклиф этди. Муддатидан беш ой аввал ишчи поездлари қатнови йўлга қўйилган трассада амалга оширилган бунёдкорлик манзаралари ҳақиқатан ҳам ақл бовар қилмас даражада маҳобатли эди. Бир кун аввал тоғларга сел ёққани боис бир-икки жойда Кофрун дарёсини автомобилда кесиб ўтишга қийналдик. Йўлида неки дуч келса оқизиб келаётган ҳайбатли дарё ўзанларига қурилган ўнлаб мустаҳкам кўприклар янги темир йўлни худди кафтдагидай равон трассага айлантирганини кўриш беҳад завқли эди. Чақир тошли қояларни кесиб, ваҳимали даралардан ўтган шундай иншоотлар орқали дарёдан ҳатлаб, лойиҳачию қурувчиларимизнинг катта жасорат кўрсатганларига иймон келтирдик.



Ўтган йили ишга тушган 56,8 километрли биринчи босқич — Тозгузар-Деҳқонобод йўли, бугун қурилиши якунланган Қумқўрғондан Бойсунгача бўлган 59,1 километрлик иккинчи босқич ва айни кунларда жадал бошлаб юборилган 107 километрлик Деҳқонобод — Бойсун оралиғидаги учинчи босқич туташгач, умумий узунлиги 223 километрлик янги темирйўл тармоғи вужудга келади. Бутун трасса бўйлаб олтита темирйўл бекати, ўнта кичик станция, элликка яқин кўприк, беш юздан ортиқ сунъий иншоотлар қурилади. Бу иншоотларнинг ярмидан кўпроғи аллақачон қуриб битказилгани учун ҳам йўлсозликнинг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилмоқда. Яна икки йилдан сўнг янги темирйўл тармоғи тўлиқ ишга тушгач, ҳозир қўшни давлатлар ҳудудидан ўтаётган 184 километрлик йўл қисқаради. Фақат шунинг ўзидан ҳар йили олтмиш-олтмиш беш миллион доллар миқдорида иқтисодий фойда кўрилади. Янги йўлни қуриш харажатлари эса олти-етти йилда қопланиб кетади. Бу йўлнинг бош буюртмачиси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бўлиб, уни бутун мамлакат қурувчилари бунёд этди десак муболаға бўлмайди. Қурилиш ишлари мазкур компаниянинг капитал қурилиш ҳамда йўл хўжалиги бошқармалари мутахассислари, шунингдек, «Ўзавтойўл» компанияси, «Кўприккурилиш» трести, Қарши минтақавий темирйўл узели, «Ўзбекгазсувқурилиш» каби ўнлаб корхоналарнинг бунёдкорлари томонидан амалга оширилди. Қурилиш бошлангандан буён ҳаммаси бўлиб олтмиш миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Шунинг эллик миллиард сўмдан кўпроғи «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси маблағидир.

Бу йўлнинг аҳамиятини яна шундан ҳам билса бўладики, у тўлиқ фойдаланишга топширилгач, Ўзбекистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатларига юк ташиш анча арзонлашади. Бугина эмас, Афғонистон орқали экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш имкониятида кенгаяди.

* * *

Янги темирйўл тармоғи бунёд этилиши муносабати билан Бойсуннингга эмас, 90 йил аввал темирйўл ўтган Қумқўрғон станциясининг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб кетди. Чунки Тошгузар ва Қумқўрғонни боғловчи янги йўл айнан мана шу шоҳбекатда Термиз — Сариосиё йўлига туташади. Қадим йўлларни туташтирувчи бу шаҳар бундан буён ўзининг уч йўналишни қамраган темир йўллари билан бир томондан Афғонистонни, яна бир томондан Тожикистонни Ўзбекистоннинг ўз темир йўллари орқали бутун жаҳон билан боғлайдиган муҳим манзилга айланади. Шунинг учун ҳам қисқа вақт ичида бу жойда Николайдан қолган эски вокзал биноси ўрнида замонавий шоҳбекат мажмуи қад кўтарди. Унинг атрофига минг-минглаб қарағай, сарв ва санобар кўчатлари ўтқазилди.

8 май куни эрта тонгдан бу ерга оқсоқоллар, меҳнат фахрийлари, меҳмонлар оқиб кела бошладилар. Шоҳбекатдаги ораста вагонлар сафига пойтахтдан меҳмонларни олиб келган янги поезд ҳам қўшилди. Тантанали дақиқалар яқинлашмоқда эди. Бутун умри педагоглик билан кечган, барча етти нафар фарзандини муаллим қилиб камолга етказган меҳнат фахрийси Худойберган Шайм атовни суҳбатга тортдик. Ҳамма қатори унинг ҳам қувончи чексиз эди: «Илгари биз Қумқўрғондан Бойсун тарафдаги Жомчи, Работ қишлоқларига от ва эшакда қатнаб тирикчилик қилганмиз. Тоғлар орасига темирйўл боради деб ким ҳам ўйлабди. Уруш йиллари эса одамлар Бойсун қирларида етиштирилган 25-30 минг тонналик ғаллани фронт учун мана шу станцияга не-не азобда етказиб келишарди. Ўша чоғларда эҳтимол кимдир Бойсунга ҳам темирйўл келишини орзу қилгандир. Одамлар фронт ортидаги жасоратли меҳнатлари билан иккинчи жаҳон урушидаги ғалабани яқинлаштирган эдилар. Мана қарангки, ана шу тарихий ғалабанинг 60 йиллиги арафасида биз халқимизнинг мустақиллик йилларидаги яна бир ғалабасини нишонламоқдамиз. Бу — кўриб турганимиз янги темир йўлдир. Биз бу йўллардан фарзандларимизни нурли манзилларга йўллаймиз».

Соат 12. «Қумқўрғон» темирйўл вокзали узра тепловоз садоси янграб, вагонлар оҳиста ўрнидан жилади ва биз кўп ўтмай чап томондаги юксак тоғлар бағрига — Кофрун дараси томон кетган янги йўлга бурилиб, атроф манзараларини мириқиб томоша қила бошлаймиз. Ана, кимдир бўлиқ ғаллазорларига сув тарамоқда. Бошқа бирови эса ёнидаги пахта пайкалларида ёш ниҳолларга тракторда ишлов бераётир. Аёллар, ёш-яланглар, қариқартанглар қир-адирларга чиқиб олиб, бизга шодон қўл силкийди. Янги йўлдан ўтаётган биринчи поездни қутлайди. Биз жой олган вагон айни шу кунларда Тошкент ва Самарқанд ўртасида қатнаётган тезюрар «Регистон» поезди вагонлари сирасидан. Биз унинг илк купесидаги юмшоқ ўриндиқларда ястаниб, атрофга ҳаяжон-ла боқамиз. «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Эркин Аъзамов бундай деб қолди:

— Биз бойсунлик талабалар бир пайтлар Қарши ёки Термизгача узоқ йўл босиб, «Душанбе поезди»га бир амаллаб илиниб қолиш ниятида елиб-югурардик. Мана, энди бизнинг Бойсунга ҳам поезд келди. Жўра, бу поездни нима деб атасак экан-а?

Йўл манзараларини кузатиб гурунгга қўр ташлаб бораётган Қуддус Аъзамовдан тортиб, «Халқ сўзи»нинг вилоят мухбири Олимжон Усанову, «ЎзА» вакили Чори Тўхтаев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг матбуот котиби Рамазон Ашуровгача шу ҳақда ўйлайди.

— Бойсунга поезд келишини орзу ҳам қилолмасдик, — фикрини давом эттиради Эркин Аъзамов. — Ҳаддан зиёд машаққатли, сергаражат бундай ишлар коммунизмда бўлади, деб юрардик. Коммунизм-ку хомхаёл бўлиб чиқди. Биз эса мустақиллик шарофати билан унданда тансиқ орзуимизга етдик.

— Бу темирйўл, умуман, йўллар барпо этишнинг аҳамияти фақат иқтисодий жиҳат билан чекланмайди, — дейди Қуддус Аъзамов. — Чунки қадим-қадимдан йўл орқали маънавият ва маърифат, маданият ривожланган. Йўл борган жойга янги руҳ борган. Бу замонавий йўлларни кўрган ёшларда янгича тафаккур шаклланади. Улар халқимиз, давлатимиз қандай қудратга, салоҳиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилади. Шўролар замонида хорижга борган юртдошларимиз, аввало, ўша жойлардаги йўлларни кўриб ҳайратланарди. Ўзимиз ҳам Европа ва Америкадаги поездларнинг шинам вагонларини киноларда кўрганмиз. Мана, бугун янги йўлда ораста вагонларда бормоқдамиз. Ўша орзулар энди биз учун оддий воқеликка айланди. Йўл қуришни ижтимоий-маънавий ҳодиса ҳам десак, асло муболаға бўлмайди. Албатта, бу йўлни қуриш бениҳоя катта харажатларни талаб қилади. Тоғ-тошларни ёриб Бойсуннинг юрагига поезд олиб бориш осон эмас. Мамлакатимиз раҳбари жуда узоқни кўзлаб, юз, минг йиллар мобайнида халқимизга, миллатимиз тараққиётига хизмат қиладиган қурилишларга раҳнамолик қилмоқда. Миллионларнинг тақдирида акс этадиган бу йўлларнинг фойдасини миллионлаб сўмлар билан ҳам ўлчаб бўлмайди. Бундай иншоотларни кўрган келажак авлодлар бу улуғ ва эзгу ишлардан миннатдор бўлади. Мана шундай савобли ишларга бел боғлайди.

— Қумқўрғондан Бойсунга борадиган эски тупроқ йўлда биз қирқ бир жойда Кофрун дарёсини кесиб ўтар эдик. Айниқса, баҳор кезлари у йўл қўрқинчли ва ваҳимали бўларди. Энди эса янги темирйўл ўша қўрқинчли сойларни кўприклар орқали кесиб ўтаётир. Йўл ва кўприк қурмоқ — энг катта савоб. Президентимизнинг бу ҳиммати шу жиҳатдан ҳам аҳамиятли, — дейди Рамазон Ашуров.

— Тўғри айтасиз, — дея гурунгни давом эттиради Чори Тўхтаев. — Бу темирйўл соҳибқирон Амир Темур тулпорларининг музаффар изларидан ўтгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Шу чоғ поездимиз Тангимушота зиёратгоҳига келиб тўхтайди. Афсоналардагидек гўзал манзара: темирйўл дарёни кесиб ўтган жойдаги бекат юксак қояларга туташган. 20-30 метр баландликда эса афсонавий ғор. Энди бу жойлар сайёҳлару зиёратчилар билан янада гавжум бўлади. Шу ҳақда ўйларканман, тоғ бағрида ўтлаб юрган «Алпомиш» достонидаги Бойчиборга менгзагулик тулпорларга кўзим тушади ва беихтиёр Эркин Аъзамнинг «Бойсун поездини қандай атасак экан-а?» деган саволи ёдимга тушади. Топдим, бу поезднинг номи, албатта, «Алпомиш» бўлади-да! Алпомишнинг Бойчибори замонларни замонларга боғлайди.

* * *

Шу куни оқшом чоғи Бойсундаги тантаналар охирлаб, поездимиз Қумқўрғону Термиз ва ундан пойтахт сари йўл олар экан, асли Бойсунда туғилиб ўсган таниқли халқ шоири Усмон Азимни самимий қутладим. У бир олам таассуротлар оғушида, назаримда, бундай шодиёна дамларда туғилажак шеър илҳоми унинг хаёлини забт этган эди. Мен янги шеърни фақат «ЎзАС»да ёритамиз-а Усмонжон, дедим. Биз кўпинча бир-биримизга «фахрий темирйўлчи» дея ҳазиллашардик. Сабаби, бундан тўрт йил аввал Учқудуқ-Нукус темирйўли фойдаланишга топширилиши арафасида биз бир гуруҳ ижодкорлар Ёзувчилар уюшмамиз йўлланмаси билан янги темир йўлнинг илк йўловчилари бўлган, бутун Қизилқум саҳросини поездда кесиб ўтиб, Учқудуғу Бузовбойда, Мискину Элликқалъа, Тўрткўлу Нукусда адабий учрашувлар уюштирган эдик.

— Жўра, шеър ҳам ёзилаяпти, — деди у. —Лекин сизу биз Ўзбекистоннинг янги темир йўллари бўйлаб қилган саёҳату ижодий сафар таассуротлари ҳам бир китобдан ошиб-тошиб қолади. Мана, Очилбой Раматов ҳам устоз Абдулла Ориповга шу ҳақда сўз очди. Шу ишни биргалашиб охирига етказмасак бўлмайди.

Биз қўл ташлашиб, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов иштирокида аҳдлашиб олдик. Сабаби, Жуманиёз ака ҳам янги темир йўлларда бизга кўп бор сафардош бўлган, илҳоми жўшиб, олам-олам завқларини шеърга солган. Шоир Қумқўрғон-Бойсун темир йўли бунёдкорларини «Замон фарҳодлари», дея атабди.

Ариқ очган азиз,
Йўл курган азиз,
Азиздир инсоний ҳар бир яхшилик.
Уларни минг йиллар ўчирмас ҳаргиз,
Порлагай Регистон мангу нақшидек.

Аждодлар даҳосин,
Замон илҳомин
Ўзида жам эттан бу олий ижод —
«Ўзбек темир йўли» аталмиш номин
Барқарор эттайдир мисли эътиқод.

Навоий Фарҳодга бериб меҳрини,
Сиз мардлар тимсолин мангу яратди.
Кўрсатди ўзбекий фикрат сеҳрини,
Жаҳоннинг назарин сизга қаратди.

Бу йўл темир эмас,
Нақ олтин йўлим,
Ойдин йўлим эрур — ипак ва тилло.
У менинг дунёга еттудек қўлим,
Ҳам қудрат рамзидир равон, сержило.

Манзиллар, манзиллар,
Мовий манзиллар —
Насаф ва Тошгузар,
Бойсун — Қўнғирот.
Тарихга зар билан мангу ёзилар,
Бир қанот — Бойчибор,
Бир қанот — Ғирот.

Бир учи Ғарб эса,
Бир учида Шарқ,
Бу йўллар фахримиз
Боқий, бебаҳо.
Бу йўлни яратди озод, буюк халқ,
Бетимсол ижодкор, шавкатли даҳо.

Бағишлаб борлиғин азиз юрт учун,
Ким қурди бу йўлни авлодларига?
Тасанно оқлаган
Фарзандлик бурчин
Замонам мардлари — Фарҳодларига!

Бу улуғ бунёдим — қутлуғ овоза,
Жаҳонга қўрсатди озод инсонни.
Ҳар битта манзили — олтин дарвоза.
Намоён эттайдир Ўзбекистонни!

Алпомиш от сурган тоғлар бағрида янги давр бунёдкорлиги тимсоли — поездлар садоси янгради. Бу садо юртдошларимиз қалбидаги қувонч садосига ҳамоҳангдир. У бизни Ҳиротдай улуғ шаҳарда макон топган Навоий бобомиз турбатлари зиёратига чорлаётгандай. Бинобарин, бу йўллар орзуманд кўнгилларни муборак манзилларга элтажакдир.

М.АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» махсус мухбири

Муҳаммад АМИН, Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Атоқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдуқодир Ҳожиметович Ҳайитметов 79 ёшида вафот этди.

Абдуқодир Ҳайитметов 1926 йилнинг 27 майида Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги Қиёлиқум қишлоғида туғилди. 1949 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Шарқ факултетини битиргач, 1949-1952 йилларда Шарқ қўлёзмалари институти аспирантурасида таҳсил олди. У академик Ойбек тавсияси асосида «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзуида номзодлик ва «Навоийнинг ижодий методи» мавзуида докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Атоқли олим 1953 йилнинг мартидан умрининг охиригача Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида кичик илмий ходим, катта илмий ходим, мумтоз ўзбек адабиёти тарихи бўлими мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Абдуқодир Ҳайитметов мамлакатимиздаги йирик адабиётшунос олим сифатида халқимизнинг улуғ шоири Алишер Навоий ижодий фаолиятини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари», «Навоий лирикаси», «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан», «Навоийхонлик суҳбатлари» каби китоблари Навоий ижодининг серқирра жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган.

У 500га яқин илмий мақолалар, монография ва рисолалар эълон қилди, «Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи»нинг академик нашрини тайёрлашда раҳбар ва ҳаммуаллиф сифатида жонбозлик кўрсатди, улуғ аждодларимиз ҳақидаги «Алишер Навоий», «Абу Райҳон Беруний» каби ҳужжатли филмларни яратишда фаол иштирок этди.

Абдуқодир Ҳайитметов ёш олимларнинг меҳрибон устози, яқин маслаҳатгўйи эди. Унинг раҳбарлигида 30га яқин докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Фидойи олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослигимизга қўшган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, Давлат мукофоти ва «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди.

Бутун ҳаётини адабиётимиз, навоийшунослигимиз тараққиётига, иқтидорли ёшларни тарбиялаб, вояга етказишга бағишлаган йирик олим, меҳрибон мураббий, камтарин инсон Абдуқодир Ҳайитметовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Икки оғиз дил сўзи

ОЛИМНИНГ ИБРАТИ

Фидойи олимларимиздан бири, устоз Саид Шермуҳамедов билан маориф соҳасида бирга ишлаганимдан доимо фахрланиб юраман. Саид ака ҳамиша сергайрат, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган, шогирдларига жонкуяр инсон сифатида кўпларнинг ҳурматини қозонган инсонлардан.

Самарқанд Давлат университетининг тарих факултетини туғаллаган ёш, илмга чанқоқ Саид Шермуҳамедов фалсафа муаммолари билан жиддий ва изчил шуғуллана бошлади. Йиллар давомида олимнинг тадқиқот уфқлари кенгайиб маънавият, тарих, педагогика, адабиётшунослик, тилшунослик соҳаларида ҳам турли қўлланма, монография ва рисолалар муаллифи бўлди. Мазкур фанларнинг долзарб масалалари ва муаммолари хусусида олим фикрларини тушунарли баён этганлиги алоҳида эътиборга моликдир.



Ҳар қандай олимнинг илмий «вазн»и у етиштирган шогирдлари савияси билан ўлчанади. Саид Шермуҳамедов бу борада анча тош босадиган олимлардан десак муболаға бўлмайди. Устознинг раҳбарлигида ўн олти киши докторлик, олтмиш уч киши номзодлик диссертацияларини ёқлади. Булар орасида Хитой, Германия, Афғонистон каби мамлакатлар фуқаролари ҳам бор.

Мустақиллик Саид Шермуҳамедовга янада сермазмун ва самарали ижод қилиш имкониятини берди. У қисқа вақт ичида «Мустақиллик — буюк неъмат», «Фалсафанинг миллийлиги масаласига доир», «Биз қандай жамият қурмоқдамиз», «Ижтимоий тараққиёт ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири», «Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятининг аҳамияти», «Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт» каби рисолалар ёзди.

Унинг «Мустақиллик — буюк неъмат», «Истиқлол қуёши» каби асарларида республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларнинг аҳамиятини талаба ва ўқувчилар онгига етказиш ўз ифодасини топган.

Фалсафа борасида гап кетганда, кўпчилик бу фанни тушуниш қийинлигини айтади. Бунга сабаб фаннинг ўзида эмас, ўқитувчининг нўноқлигида. Ўзи танлаган соҳани яхши ўзлаштирмаган олим фикрини бошқаларга тушунтириб бера олмайди. «Фалсафа» факултетини битириб чиқаётган талаба антик даврдан бугунги кунгача ўтган файласуфларнинг дунёқарашини тўла ўзлаштирмаган бўлиши мумкин. Аммо у ўз фикрига, мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлмаса, билингки, сабоқлар самарасиз кетган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий университетининг «Ижтимоий фалсафа» кафедрасида фаолият олиб борган устоз бизга ана шу ўгитни бот-бот такрорлаб келган. Нафсиламирини айтсак, ҳаётда ҳам, иш фаолиятимизда ҳам устознинг ўгитлари бизга кўп асқотади...

Агар ҳар бир киши фалсафани яхши ўрганса, у ҳар қандай муаммонинг моҳиятини тез илғайди. Бу эса — муваффақият гаровидир.

Устознинг ташкилотчилик борасидаги фаолиятидан ҳам мен кўп нарса ўрганганман. У кишининг меҳнатсеварлиги шогирдлари учун катта ибрат мактабидир. Баъзан турмуш ишкир-чиқирлари ёки бошқа бир сабаб билан ўралашиб қолиб, ишни сал бўшаштириб қўйсак, домла бизни йўқлаб, ҳамиша далда бериб турадилар.

Кичик бир мақолада катта олимнинг ҳаёт йўлини очиб бериш мушкул. Қолаверса, қоғоз қоралашдан мақсад устозни мақташ эмас, балки, у кишининг ибратли ҳаёт йўлига назар ташлашдир. Ёш авлодга ҳар жиҳатдан сабоқ бўладиган инсоний фазилатларини эътироф этишдир.

Сермаҳсул илмий фаолияти билан эл назарига тушган олим Саид Шермуҳамедов ҳозир ҳам жўшқин фаолият билан банд. У кишига муборак таваллуд кунларида бахт ва омад ҳамроҳлигини тилаб қоламиз!

Эшқобил ҲОЛИҚОВ,
тарих фанлари доктори

БАЛЕТГА БАХШИДА УМР

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри деганда беихтиёр Иброҳим Юсуповнинг номи хаёлга келади. Бу бежиз эмас. Зеро, И.Юсуповнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти мазкур театр тарихи саҳифалари билан бевосита боғлиқ. Дастлаб раққос сифатида «Спартак», «Жизел», «Оққуш кўли», «Орзу», «Суҳайл ва Меҳри», «Шаҳризода» каби спектаклларда мураккаб бош партияларни ижро этди. Кейинчалик саҳналаштирувчи балетмейстер сифатида «Семурғ», «Қилич ва муҳаббат», «Тўмарис», «Оққуш кўли», «Жизел» балетларини саҳнага қўйди.

«Темур Малик», «Шарқ афсонаси», «Тўмарис» филм-балетларининг суратга олинишида И.Юсуповнинг ҳиссаси катта. Японияннинг «Тойота-Ситибалет» компанияси билан ҳамкорликдаги лойиҳа асосида амалга оширилган «Шелкунчик», «Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Уйқудаги гўзал» балет асарларининг муваффақияти ҳам эътиборга лойиқ.

Яқинда ана шу ажойиб санъаткор таваллудига 70 йил тўлиши муносабати билан театрда «Балетга бахшида умр» мавзуида ижодий кеча ўтказилди.

Кечада Иброҳим Юсуповнинг шогирдлари «Уйқудаги гўзал», «1001 кеча», «Ромео ва Жулетта», «Тўмарис», «Қадимги Афросиёб афсонаси», «Спартак», «Шелкунчик» каби балетлардан саҳналар ижро этдилар.

Азиза ҒИЁСОВА

МУЗЕЙ — ТАРИХ КЎЗГУСИ

Темурийлар тарихи давлат музейида Халқаро музейлар куни муносабати билан «Аждодларимиз мероси» деб номланган семинар бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекмузей» жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия томонидан уюштирилган мазкур семинарда Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев иштирок этди ва музей фидойиларини байрам билан қутлади.

Минг афсуски, ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк вазифасини ўтаётган музейларга муносабат ҳамма жойда ҳам қониқарли эмас. Вилоятларда баъзи ўлкашунослик музейлари лоқайдлик оқибатида ночор аҳволга келиб қолган. Республикадаги мавжуд 89 та музейдан 70 таси таъмирга муҳтож. У ерда фаолият олиб бораётган музей ходимларининг кўпчилиги экспонатлар ҳақидаги маълумотлардан тўла хабардор эмас. Айни вақтда тарихимиз, ўтмишимиз кўзгуси бўлган музейлар билан боғлиқ бир қанча муаммолар ўз ечимини кутиб ётибди.

Семинарда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия масъул котиби А.Икромов, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Қ.Иноятов, Бухоро бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонаси директори Р.Алмеев, Ўзбекистон амалий санъат музейи бош ҳисобчиси К.Турсуналиев ва Кутубхоналар ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи Т.Зоитов мавжуд муаммоларнинг ечими борасида сўз юритдилар.

Ўз ахборотимиз

БУ ДУНЁЛА ИШҚ ДЕБ КЕЛДИК

Замира РЎЗИЕВА

УЙҒОНИШ

Боғ ичра кўкламлар юз очмиш қат-қат,
Барларига ёмғир ёзиб ўйнар хат,
Улғайиб кетади кўнгил, руҳият
Ошиғи сарафроз бу сирли хилқат —
Сенсан ВАТАН.

Кун-тун ичга томган кўз ёш ариди,
Тил-жаҳи бойланган бардош қариди,
Нурга талпинганнинг қўёш ёридир,
Офтобга суяниб тиклаётган қад —
Сенсан ВАТАН.

Қадим битикларнинг синоатидан,
Қайтмаган эътиқод-ибодатидан,
Аршга етган дуо ижобатидан,
Юзин райҳон елпиб уйғонган миллат —
Сенсан ВАТАН.

Дарахтзорда, гулда, тўқ мағизда сўз,
Қизча лабин ўпган чанқовузда сўз,
Қайтган муҳожирнинг жон бўғзида сўз,
Буюк муҳаббатлар яратган жаннат —
Сенсан ВАТАН.

Ҳар ўғли Алпомиш, ҳар қизи Барчин,
Жондан қиммат билган фарзандлик бурчин,
Шу бурч омон бўлса топган эрки чин
Ўзбекистон деган буюк мамлакат —
Сенсан ВАТАН.

* * *

Бинафшажон, сен кўкламнинг сулув қизи,
Соғинганман, соғиндингми мени ўзи?

Бу соғинчни изҳор этсин энг хуш атир,
Дилга оқсин унутилган шеърий сатр.

Сирлашайлик сенга шунча айтарим кўп,
Кўзга сурай, сен ҳам секин қўлимни ўп.

Ҳайрон бўлма кипригимнинг намлигига,
Йўйгин буни дунёнинг бир камлигига,

Бу дунёдан дўст сўрадим — ағёр чиқди.
Фурсат пойлаб оёғимдан чалиб йиқди.

Ишқ сўрандим, туйғулардан тўлиқдим мен,
Не тонг, тошдил чарс феъларга йўлиқдим мен.

Кўп қийнади ишқнинг ўнқир-чўнқир йўли,
Тошлар отди маломатнинг узун қўли.

Кўнгли эмас иродаси тош бўлдим мен,
Ёмонларга эгилмаган бош бўлдим мен,

Англадим ҳам, алдоқ эмас дунё бари,
Сен келдинг-ку етказай деб кўклам сари.

Бинафшажон, кел сирлаши-иб ўтирамиз,
Икковлашиб кўнглимизни кўтарамиз.

Суҳбатимиз тушунса ким яхши бўлар,
Ошиқ бўлар, шоир бўлар, бахши бўлар.

* * *

Баҳорларни бошлаб келган бойчечагим,
Чеҳраларга чирой берган ой чечагим,
Сенинг каби йўқлаб келди кўнглимни ишқ,
Саболарга суюнчила, ёй чечагим.

Нигоҳ осдим турналарнинг арқонига,
Нима дейсан дилимнинг ўт-вулқонига,
Ажаб, ул ёр сену мени сезмай ўтар,
Оловингдан бермадингми қон-қонига.

Бойчечагим, гулбаргингда шабнам кўрдим,
Шабнам ичра қуёш кўрдим,
бекам кўрдим,
Қуёшли ишқ кимга насиб, ким бенасиб,
Воҳким, бизнинг ёрни ишқсиз, беғам кўрдим.

Дардкашимсан сени ёниб кафтга олай,
Муз нигоҳлар қақшатмасин тафтга олай,
Дунё хусни асли куйган ошиқларга,
Сени ёниб турган муҳаббатга олай.

Ишқсизлардан ўксинма сен, ифор тарат,
Соғинч тарат, кулиб турган баҳор тарат,
Дарди йўқлар, ишқи йўқлар пинҳон қолсин,
Бойчечагим, сен кўнглингни ошкор тарат.

Бу дунёга ишқ деб келдик, фарзимиз шул,
Худо ишқдан айирмасин, арзимиз шул,
Севган кўнгил бадард эмас, бегард бўлар,
Дардманд дилмиз, бизнинг
яшаш тарзимиз шул.

Бойчечагим, сени муҳаббатга олай...

ОНАМГА

Китоб варақлайди саксонингиз ҳам,
Сасингиз сеҳрини суюб келар Ҳақ.
Авлиё дегани Сиздурсиз онам,
Сиздайлар жамланса яралади халқ.
Чеҳрангиз не сабаб бунча ҳокисор,
Токчада чархингиз беради айтиб.
Тил топса бир дунё ҳикояси бор,
Айтар ангишвона, айтар игна, ип.
Ҳасрати етимлик кўтарган талх жом,
Лабингиз куйдириб, жонингиз ёққан.
Қувғинда соғинчга жон берган бобом,
Тақдир кўксингизга оғриқлар таққан.
Оч дунёни сабр билан тўқлаш не,
Исмингизга бойлаб синчли уй айтар.
Карбало даштидан дарвеш йўқлаш не,
Чўли Ироқ ичра бўзлайди байтлар.
Бир эдим еттига кўпайдим, шукур,
Суясиз исмимиз чалкаш айтиб гоҳ.
Ҳокисор бу юзга тутиб тоза нур,
Ҳар бир лаҳзангизни безайди Оллоҳ.
Авлиё дегани Сиздурсиз онам,
Пастак уйингизни йўқотмади Ҳақ.
Китоб варақлайди саксонингиз ҳам,
Сиздайлар жамланса, яралади халқ

* * *

Куннинг-да, туннинг-да раҳми йўқ илло,
Мени тушунмайди, шафқатни билмас.
Сизни соғинмоқлик ўзи бир жазо,
Соғинмаслик эса қўлимдан келмас.
Ёдларим жонимни тилкалаган ўқ,
Нетарди Сиз каби ўзимни севсам.
Бошимни қўйишга остонангиз йўқ,
Шоҳ Машраб сингари йиғлайин десам.

Доимий хамроҳ

Атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом ўзбек ва қозоқ халқларининг қон-қардошлигини улуғлаб, уларни бир китобнинг икки саҳифасига ўхшатган бўлса, таниқли қозоқ шоири Асқар Тўқмағамбетов эса: «Бир дарахтнинг сояси то тушгача сеники, тушдан кейин меники», деб ёзади. Тили бир, дили ва дини бир халқларимиз муқаддас Туркистон тупроғида азалдан қардош-қариндош бўлиб яшаб келаётирлар. Дарҳақиқат, қозоқ ва ўзбек адабиётларидаги руҳий яқинликнинг теран томирлари ана шундан озиқ олади.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан «Сайра дўмбирам!» номли қозоқ шеърияти антологияси икки минг нусхада чоп этилди. «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» туркумида чиққан бу мажмуага янги қозоқ адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Абайдан тортиб бугунги кунда фаол ижод этаётган навқирон қозоқ шоирларигача бўлган эллик нафар — бир неча авлод ижодкорларнинг асарларидан намуналар жамланган. Китобдаги барча шеърларни таниқли шоир ва таржимон, Б.Пастернак ҳамда «Алаш мукофотлари совриндори Мирпўлат Мирзо таржима қилган.

«Сайра дўмбирам» китобига ёзган сўзбошида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов мазкур нашрнинг аҳамияти ва таржимоннинг ижодий меҳнати ҳақида шундай дейди: «Мажмуага кирган шоирлар ижодининг муҳим жиҳати шундаки, улар икки халқ дўстлигини энг юксак оҳангларда куйлайди. Таржимон бу борада қунт билан меҳнат қилиб, ҳар бир шоир ижодидаги энг сара шеърларни танлаб олишга муваффақ бўлган. Айни чоғда, ҳар бир шоир ижодига ҳурмат билан ёндошиб, уларнинг услубига хос хусусиятларни, нозик нуқталарни зийраклик билан англаган, улардаги оҳангларни, қочиримларни сақлаган ҳолда ўзбек ўқувчисига етказишга интилган».

Нашр муҳаррири Ҳ.Маҳмудова. Китобни мусаввир Ю.Габзалилов безаган.

ҲУР ҚИЗ

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ҲИКОЯ

— Э воҳ, мен нима қилиб қўйдим-а? Нега бундай бўлди?!

Зарнигор йиғлаб юборди. Унинг йиғиси аччиқ алам ва изтиробга қоришиқ эди. Агар болалигидаги аллақандай ривоятларга ишониб юрмаганда... бошқалар қатори кун кечирармиди, ҳаётнинг барча ҳаловатларини тотиб, машаққатларига дош бериб, ҳеч ўксимай, хуллас бир аёл қандай умр ўтказса, у ҳам шундай яшармиди... Эндичи, энди бундай бўлмади. Ниятига етди, лекин кўнгли фароғат топмади. Мана бу кун, ёши бир жойга борганида боши ташвишу маломатдан чиқмай қолди. Ҳаммасига ўзи айбдор, аслида. Фақат ўзи!

Ўша кезларда Зарнигор жуда уятчан, чекка-чеккада хаёл суриб ўтиришни хуш кўрадиган кичкина қизалоқ эди. «Насима, бу қизинг тоза одамови чиқдику, кеча ёнидан ўтиб кетаётсам менга қарамадиям» дея гина қилди бир куни Шаҳри кампир. Насима онасининг гапидан сўнг ўйланиб қолди. Қиз бола тортинчоққина бўлгани яхшику-я, лекин ҳеч кимга қўшилмаса ёмон-да. Нима қилсайкин-а?

«Эна, ўзингиз шу қизимга улбул юмуш буюриб, йўлга солинг, насиҳат қилинг», деганидан сўнг Шаҳри кампир қизалоқни тез-тез уйига чақирадиган бўлди. Шу-шу Зарнигор онасидан узоқлашди, бувисиникида яшади. Ука-сингиллари, она-онасидан кўра бувисини, тоғаси ва келинойисини кўпроқ яхши кўрарди у. Меҳр кўзда, деганлари рост экан. Қиз ота уйига аҳён-аҳёнда борар, кўпинча келинойисининг уй юмушларини бажариб, кечқурунлари бувисидан ўгиту насиҳатларни эшитиб ўтиришни ёқтирарди. «Ҳур қиз» ҳақидаги ривоятниям худди шундай кунларнинг бирида эшитди. Сўнг бувисини саволга тутди:

— Нега ҳур қиз дейишади? Улар... яхшими? Ёки ёмонми?

— Ҳур қизларнинг уйи, болачақаси бўлмайди, улар бу дунёдан ёлғиз ўтишади. Бошқалар тириклигида қилган гуноҳларининг жабрини тортиб, дўзах азобини бошдан кечираётганда ҳур қизлар жаннатнинг боғларида гул териб юради. Парилар уларнинг хизматида бўлишади. Ҳеч бир гуноҳлари йўқда, шунинг учун жаннатдаги роҳатлардан яйрашади.

Ўша куни Зарнигор туш кўрди. Тушида у ҳур қизга айланиб қолибди. Фаришталар гиламга ўтқазиб осмонга кўтарилибдилар. Қараса, бувиси айтиб берган манзара: ям-яшил ўтлоқзор, тип-тиниқ булоқлар, хушбўй гуллар, оппоқ кўйлакли парилар... Ҳаммаси Зарнигорга таъзим қилиб турганмиш. Қиз бўлса, нуқул кулар эмиш!

Шу туши таъсир этганми ё бувисининг ривоятини ҳадеб ўйлайверганиданми, Зарнигор «Мен ҳам ҳур қиз бўламан!» деган ниятни дилига тугди. Йиллар ўтса-да, кўнглида сақлаб, ҳеч кимга билдирмади. Бир куни уларнинг қишлоғида ёлғиз ўзи яшайдиган Сарвинисо кампир қазо қилди. Унинг маъракасини қишлоқдагиларнинг ўзлари ўтказди. Чунки марҳуманинг ҳеч кими йўқ эди. Ўша кунларда Зарнигор бувисининг гапига кириб ҳовлидаги юмушларга қарашиб юрганди. Маъракага йиғилган аёлларнинг гапларини тасодифан эшитиб қолди.

— Сарвинисо ҳур кетди, бояқиш. Беозор, бегуноҳ эди, ўзиям. Бу қишлоққа адашиб келиб қолганида кичкинагина эди, бировларнинг юмушини қилиб, бировларнинг уйида ётиб катта бўлди. Ҳеч кими йўқ деб биронта одам келин қилишгаям ошиқмади. Бу ёқда йигитларимиз ҳам уйланай дея қолмади. Кексалар шу ишга бош қўшса бўларди-я, «бу қизнинг ота-онаси қанақа, насл-насаби қандай, билмасак, тағин кейин балога қолиб юрмайлик» — деб чўчишди-да. Кейин... кейин Сарвинисонинг ўзиям шуни хоҳламади. Мана энди, беҳиштларда ўйнаб юргандир яйраб...

— Марҳуманинг ортидан ёмон гапириб бўлмайди-ю, лекин эрга тегса бўларди, — деди бошқа аёл шеригининг гапини бўлиб. — Мана, хотини ўлган Боқи муаллим совчи қўйганди, рози бўлмади-ку. «Эрга тегмайман» деб туриб олди. Тўрт мучаси соғ бўла туриб, уй-жой, бола-чақа қилмаслик гуноҳ дейилган қадимги китобларда...

Аёлларнинг кўпчилиги бу гапни бош силкиб маъқуллаган бўлишди. Ўшанда Зарнигор айни ўн тўққизнинг устида, гоҳ ота уйига борса, онаси «сенга совчи келди» деган гапларни эшитиб юрган кунлар эди. Маъракадан қайтгач ўйланиб қолди. Қачондир у ҳам омонатини топширса, бошқалар унинг ортидан шунақа сўзларни айтиб юришармикин? Йўқ, ҳур қиз бўлиш осон эмас. Чидаши керак. Ҳеч нарсани ўйламаслиги лозим... Шу тарзда йиллар ўтар, бу орада Зарнигорнинг икки синглиси турмушга чиқиб, укаси уйланганди. Онаси Зарнигорни «турмушга чиқ» деб қистамас, сабаби, тақдирнинг ўзи қизга оила қурмаслиги учун имкон яратаётгандай эди. Унинг тоғаси ва келинойиси ўн йилларча фарзандсиз яшашди. Совхозда директорлик қиладиган бу одамнинг эл-юрт ичида обрўйи катта, шу учун ҳам давраларда унга фарзандсизлигини айтишга ва бу борада маслаҳатлар беришга ҳеч ким ботинолмасди. Лекин тоғаси ич-ичидан сиқилар, кўп ичадиган бўлиб қолганди. Бир куни кеч кузакда, ошналари билан ўтириб, роса ичади, сўнг уйга келмасдан машинасини тўппа-тўғри даштга ҳайдайди. Далаларни айланиб бўлгач, машинани тўхтатиб қўйиб хаёлга ботади, ўтган умрини ўйлаб қуюнади. Шу кўйи, ичган эмасми, ухлаб қолади. Эрталаб уйғонса, ҳаммаёқ оппоқ, шу куни ҳаво совиб, туни билан қор ёғиб чиққанди. Тоғаси шундан сўнг кўп маротаба даволанди, дўхтирлар «ўпкангиз қаттиқ шамоллаган» деб ташхис қўйишди. Йил охирига келиб бирданига вафот этди. Келинойиси бир йилча булар билан бирга яшади, сўнг ота-онаси келиб қизларини олиб кетишди. «Майли, борсин, бахтини топсин, шунча йил хизматимизда бўлди, розиман, бундан кейин уни ушлаб туришга ҳаққим йўқ», — деди бувиси йиғлаб-сиқтаб. Шундан сўнг бувиси каттакон ҳовлида Зарнигор билан қолди...

Кўп ўтмай фарзандининг доғида куйган онаизор қаттиқ касалга чалинди. Анча вақт ётди. Зарнигор унинг ёнидан жилмади, туну кун беморнинг ҳолидан хабар олиб, уни парваришлади. Жон бераётиб бу муштипар кампир Зарнигорни узоқ дуо қилди. «Ҳалиям бўлса кеч эмас, болам, битта-яримта учраса турмуш қур», деб насиҳат қилди. «Хўп» деди Зарнигор кекса аёлни юпатиб.

Бувисининг маъракаларидан сўнг Зарнигорнинг катта укаси ҳовлига кўчиб кирди. У бундан аввалига жуда қувонди. Ҳовли ичи катта боғ, ёнида томорқа, мол-ҳол, ҳаммасига қаров керак. Илгарилари бувиси томорқага четдан одам ёлларди. Молҳолни Зарнигор эпларди. Боққа қўшнилари Худойқул бобо қарарди. Мана энди, укаси бу жойларни обод қилади. Аёли, болалари бу ерда яшашса, Зарнигор ҳам зерикмайди. Ҳаммаси биргаликда бувисининг чироғини ёқиб ўтиришади. Зарнигор шуни ўйлаб қувонар, укасининг болаларига қарашар, Раҳимахонни «келинжон, келинжон», деб алқарди. Кунлар осойишта ўтаётганди, лекин...

Бир куни Зарнигор (у илгари бувиси яшаган хонани ўзига бошпана қилиб олганди) ярим тунда қий-чув, шовқиндан уйғониб кетди. Эшикни очиб ташқарига чиқди. «Тинчликмикин?» — дея ичкари уйга қулоқ тутди. Келини Раҳимахон хун бўлиб йиғлар, укаси Салим эса нималардир деб унга дўқ урарди.

— Опангиз менга хўжайинчилик қиладиган бўлиб қолди. Кеча қозонга ёғ солсам, бир чўмичини олиб идишга қуйди. «Ёғли овқат болаларга зарар» дейдими-ей! Ўтган куни «Кичкинангизнинг совуғи ошган, асал ялатиш керак» дейди. Сабиҳанинг томоғи оғриган куни дўхтир чақиришга қўймади, «ўзим исириқнинг суви билан тузатаман» деб. У ишни қилсам, ундоқ дейдилар, бу ишни қилсам бундоқ... Нима менинг ақлим яримта эканми? Айтинг!

— Майда гапингни йиғиштир, опам кўп нарсани билади, — деди Салим. — Қолаверса, ёшлари сендан анча катта. Айтганини қилиб, ҳурматини жойига қўй...

— Э, менга бақирманг, ҳурматини жойига қўймай, бу уйдан ҳайдаб чиқаряпманми? «Опа, опа» деб турибман-ку! Болаларимни мендан совутаяпти, қачон қарамайин иккисиям «аммажон» деб ўшанинг уйига киргани-кирган, мен овқатга чақирсам ҳам келишмайди!

— Сен қарғашдан нарига ўтмасанг... Болалар яхши гапнинг гадоси, билдингми? Опам шу икковиниям ўз болаларидай кўради.

— Эр қилиб, бола туғсин эди! Бировнинг болаларини уйидан совутиб, олиб ўтирмай... Ким унга дунёдан ёлғиз ўтсин, деди.

— Бас қил!

Зарнигор қулоқларини бекитди. «Вой, шўрим... Бу жанжаллар мени деб бўлаётган экан-да! Энди нима қилдим?!» ўйлади у. Наҳот, у келинига, жиянларига ёмонликни раво кўрса? Ахир шуларга яхши бўлсин деб ўша куни... Зарнигор бувисидан кўп нарса ўрганди. Уйни ораста тутиш, озода бўлиб юриш, шамоллашларни ўт-ўланлар суви билан даволаш... Бу фариштадек беозор аёл жуда пазанда эди, у Зарнигорга ширин овқатлар пиширишниям ўргатганди. Билганларини келинига айтаман деб, мана энди... Гапларим унга оғир ботмаётганмикин, деб ўйламабди-я?!

Шу жанжалдан сўнг уйдаги аҳвол мушкуллашди. Раҳимахон қовоқ солиб юрадиган одат чиқарди. Болалар амманикига кирса, дарров чақириб оларди. Ҳатто бир куни кичкинасини «Сен кимнинг боласисан, ўзи? Қани уйга кир!» деб қойиди. Бир дастурхон атрофида ўтиришлар ҳам барҳам топди. Раҳимахон бир коса овқат билан яримта нонни Зарнигорнинг деразаси ёнига қўйиб кетадиган бўлди. Кун бўйи деҳқончилик ишлари билан банд бўлган Салим бу ҳолатларни сезмас, балки... сезса ҳам жанжалга тоқати йўқлиги учунми, индамасди.

Укасининг жим юриши Зарнигорга оғир ботди. Ахир у нима ёмонлик қилди? Уларга меҳр кўрсатса, юмушларига қарашса... Нега Раҳимахон қилдан қийиқ ахтариб, уни ёлғизлатиб қўйди? Нега? Энди у нима қилади? Бундай яшаш... азобку?! Ёши ҳам қирқ бешдан ошди, ахир. Қаёққа боради? Қаердан кўним топади? Укасини сал инсофга чақирса, аҳвол яхши томонга ўзгарармикин? Йўғ-е, яна жанжал чиқиб, иккисининг ўртасига совуқчилик тушса, Раҳимахон мени баттар ёмон кўриб қолади-ку? Кейин... бу ҳовлидан кетишим керак бўлади. Лекин қаёққа?!»

Зарнигор оғир «ух» тортди. Сўнг узоқ хаёлга чўмди. Ҳур қиз бўламан деб... ўз бахтига ўзи қарши чиқди у. Хом хаёлларга берилмасдан ҳаётини изга солиб олса бўларди-ку! Нега шундай қилмади у?

Зарнигорнинг юрагини қоришиқ бир изтироб эгаллаб олганди шу топда. Бўғзига нимадир тиқилиб, чуқур хўрсинди. Алам билан пичирлади:

— Э, нима қилиб қўйдим ўзи...

ТАВБАСИЗ ОДАМ

Алишер НАРЗУЛЛО



Оғир-оғир хўрсинди осмон:
Қайда сокин, хотиржам чоғлар?
Ким тош отди фалакка томон...
Жавоб йўқдир, фақат сўроғлар.

Чақмоқ чақиб савалар ёмғир,
Ўзанидан чиқди жилғалар —
Бир қадамдан нари кўринмас,
Кўринмайди на зоғ, қарғалар.

Нима гуноҳ қилди билмасдан,
Тимдалади одам юзини —
Қурт-қумурсқа, қушлар сингари,
Четга олди секин ўзини...

Еллар буткул кетди супуриб,
Қолди бунда на хор, на хаси —
Ер бир карра поклаиб олди,
Ҳамон жимдир одам боласи...

* * *

Уюм тупроқ...
тикиламан
эзилар дил,
қандай яхши ер ям-яшил
майса кийса,
Қадамлар ҳам узилганми дейман,
лекин
топталмаган бирор ўту,
бирор майса...
Қадамларни,
сўнгакларни... соғингдингму
муҳаббатинг ўтлуғ:
гоҳ ўнг...
гоҳ тескари,
Яна кимни кўтаришиб келишмоқда,
ана қаранг, унутилган манзил сари?..
Ер айтади: дунёи дун
жуда қадим,
Одам — олов,
гуркирар, сўнг сўлиб борар.
Қачонлардир кимдир тупроқ олган эди,
менинг бағрим мана энди тўлиб борар...

* * *

Ой — овчининг кўҳна қайиғи
сузиб келар,
кетмоқдами ё?..
Бор-будига қўшилиб ҳозир
кўзларимга йиқилар дунё.
О, соғиндим —
буюк сокинлик
энг хушбўй ва муаттар гулни,
Тупроқ айтсин
миллионлаб кўрган
не-не зоғу
не-не булбулни.

Яна бир кун гул бўлар эвоҳ,
Қай бир боғда ҳазонрез гулим.
Уйқу ғолиб келади мана,
Уйқу ахир, уйқу бу - ўлим.
Тавба... Тавба...
инграйди вужуд...
ҳақиқат — шу, мен тонармидим.
Кўз юмаман, билмайман ахир
саҳар қайтиб уйғонармидим...

* * *

Саҳроларда гулларим бордир,
Умидларим бордир ёбонда.
Кетай дейман, билмайман лекин,
Ким тескари, ким мен томонда.

Бўйин қўйсам чўкарми оғоч,
Кун узилиб бўларми калта?..
Гуноҳларга ботмасдан бурун
Йиқлайдими занг босган болта.

Бу — ҳокисор замин, бу — тупроқ
Тошдек қотса бир кўнгил учун,
Наҳот ерга ёш тўкмас осмон,
Қақраётган битта дил учун.

Япроқмидинг, дарахтми — вужуд,
Сен бир сўзми демоғинг керак.
То дунёга боқмоқ-чун мағрур
Дашт қўйнида ўлмоғинг керак.

Иродаси бутунлар сари
Бир кун чиқсам ошиқ дил билан,
Кузатурми мени улкан дашт
Қовжираган битта гул билан?..

УСТОЗ ХОТИРАСИ

10 май мумтоз шоиримиз Ғафур Ғулом таваллуд топган куни. Эрта тонгда устознинг шогирдлари, фарзандлари, мухлислари унинг Чиғатой қабристонидаги қабрини зиёрат қилишиб, гул ва гулчамбарлар қўйишди.

Шоирнинг ўзи «Чаман» шеърида ёзганидек,

Бу Ватан мақтовларин
ҳар қанча ёзсанг оз экан,
Дилга дил, тилга кўнгил,
албатта жўр овоз экан,
Боғлар, гулгун чаманлар
қўйни базми ноз экан,
Келди кўклам, лола, насрин
бир-бировдан соз экан,
Жўр билан соз, қарқунок,
қумри баланд парвоз экан.
Куйла, шоир, улфати чор
бирлашиб ҳамроз экан.

Шу куни ҳам Бешёғочдаги Арпапоя кўчасида жойлашган Ғафур Ғулом уй-музейи адабиёт аҳли билан гавжум бўлди.ЮНЕСКО томонидан чоп этилган Ғафур Ғуломнинг «Шум бола», Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи нашрдан чиқарган Ғ.Ғуломнинг «Ёдгор», Олмос Ғуломованинг «Бодом ғули» китоблари тақдимоти ҳақиқий адабиёт байрамига айланди. Ушбу китобларнинг барчаси ўзбек тилида лотин ёзувида чоп этилгани ҳам мактабда ўқиётган фарзандларимиз учун ажойиб туҳфадир.

ЮНЕСКО Ғафур Ғуломнинг мазкур асарини жаҳоннинг бошқа халқлари тилларида ҳам нашр этишни режалаштирган. Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповнинг «Бобоси Насриддин Афанди, отаси Ғафур Ғулом» сарлавҳали сўзбошиси билан очилади.

Ғафур Ғуломнинг «Ёдгор» китобига қисса, ҳикоя ва шеърлар киритилган. Олмос Ғуломованинг «Бодом гули» китоби эса, хотиралар ва ҳикоялар тўпламидир.

Тақдимотни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййид очди. Алишер Икромов, Музроб Бўронов, Олмос Ғуломова, Рустам Мусурмон ва тақдимот маросимида сўзга чиққан бошқа ижодкорлар Ғафур Ғуломнинг янги китобларининг аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Уй-музей ҳовлисидаги ранг-баранг гуллар оғушидаги Ғафур Ғулом ҳайкали пойида устозга бағишланган шеърлар ва дил сўзлари, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ижросидаги мумтоз наволар янгради.

Назира ТОШЕВА

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

ТАРИХ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

Ойбекнинг буюклиги шундаки, у миллий адабиётимизнинг залворли юкини чўнг елкасига олиб, барча жанрларда муваффақият билан қалам сурди, авлодларга бой адабий мерос қолдирди. Адибнинг 100 йиллиги муносабати билан эълон қилинаётган мақолаларда драмалари ҳақида камроқ гапирилди. Ваҳоланки, унинг бу жанрдаги асарлари ҳам диққатга молик.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин шўро ҳукуматининг «машҳур» (машъум десак тўғрироқ бўлади) адабиёт ва санъат ҳақидаги қарорларидан сўнг миллий маданиятимиздан «нуқсонлар» қидирилиб, билиб-билмасдан кўп ажойиб бадиий дурдоналар қораланган эди. Ўша вақтда чиққан мақолалардан бирида «Навоий», «Жалолидин» асарларида феодал жамият ва феодализм даврининг арбоблари кўпроқ идеаллаштирилди, «Фарҳод ва Ширин», «Улуғбек» либреттосида буржуа маданияти олдида сажда қилишга ва космополитизм ғояларига йўл қўйилди, деган даъволар олдинга сурилди. («Қизил Ўзбекистон», 1949 йил 6 март). Шу тариқа калтакнинг бир учи Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» драматик достони ва либреттосига келиб тушди, муаллиф тарихни бузиб, идеаллаштириб кўрсатишда айбланди.

Аслида бу асарга тарихий нуқтаи назардан қаралганда воқеаҳодисалар ҳаққоний тасвирланганига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, асарда Ўрта Осиёда XIII асрда юз берган тарихий воқеалар қаламга олинган. Тарихдан биламизки, Маҳмуд Торобий бошчилигидаги халқ ҳаракати Чингизхон қўшинларига қаттиқ зарба бериб, уларни эсанкиратиб қўйган эди. Ойбек воқеа-ҳодисаларни хронологик тартибда ифода этмасдан, қўзғолоннинг туб моҳиятига, замон учун долзарблигига урғу берган. Маҳмуд Торобийнинг кураш йўлини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчиси, меҳнаткашларнинг онгига ҳақиқат нурини сингдириб, уларни қўзғолонга чорлаб, босқинчилар устидан қозонган ғалабаси. Иккинчиси эса, Торобий бош бўлиб, тайёрланган қўзғолоннинг мағлубияти. Ойбек драматик достонига қаҳрамон фаолиятининг биринчи босқичини асос қилиб олади.

Адиб бу асарни 1941 йилнинг сентябр-октябр ойларида яратади. Бу пайт уруш авжига чиққан, халқнинг руҳини кўтариш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этарди. Шу сабабдан ҳам Ойбек «Маҳмуд Торобий» драматик достонига босқинчиларга нафрат руҳини, мардлик мотивларини сингдиради.

Асар қаҳрамони Жамила Торобийнинг севимли фарзанди. Унинг муҳаббати тушган йигит Ёдгор жафокаш чўпон йигит. Уларнинг севгиси пўлатдан ҳам мустаҳкам, туйғулари самимий, ниятлари пок. Ойбек икки ёшнинг бир-бирига садоқатини очиш учун уларни оғир вазиятларга олиб киради, мушкул шароитларга дуч келтиради.

Ошиқ ва маъшуқанинг ҳаётларини фожиага айлантирмоқчи бўлган Тўсинбойнинг бирдан-бир нияти Жамиланинг васлига етиш. У катта кучга эга, Чиғатой хонига жуда яқин, мол-дунёси бисёр.

Жамила мўғуллар ҳузурида ўзини дадил тутади, ўлимига рози бўлса ҳам муҳаббатига, виждонига содиқ қолади. «Мени ўлдирингилар, ифлос маҳлуқлар, Виждони кўр, қалби бузуқлар!», дейди у тап тортмай.

Жамилани халқнинг мард фарзанди сифатида кўрамиз. Шу сабабдан ҳам, унинг бу фазилати жангу жадалларда янада ёрқин намоён бўлади. У қилич олиб босқинчиларга қарши эрк учун курашда жонбозлик кўрсатади. Ёдгорига муҳаббати Ватанга бўлган муҳаббатига уйғун тасвирланади.

Соянг каби мен бирга бўлай,
севгилим Ёдгор,
Илҳоминг ила юрт ёвини
қақшатайин, ёр.
Қалқон бўлажак сийнам
агар сенга ўқ учса,
Бу эзгу, улуғ жанг куни ишқ
бизга мададкор.

Бу мисраларда Жамиланинг севгилисига чексиз садоқати, Ватан душманларига беқиёс ғазаби алангаланиб турибди.

Ёдгор ҳам Жамилага муносиб ёр, ҳақиқий севгининг гадоси, ёвларнинг ашаддий душмани. Унинг нияти юртини босқинчилардан озод этиш, бунинг учун жонини фидо қилишга тайёр. Зулм остида эзилиб, ҳақсизликларни кўрган Ёдгор: «Тоқат йўқ бир зум, Ё ҳақ, ё ўлим!», дейди.

Драматик достонда бош қаҳрамон, албатта, Маҳмуд Торобийдир. Бу шахс ҳам Жалолиддин Мангуберди каби юртинг чин, мард ўғлони. Уни жанг майдонига бошлаган истилочиларнинг зулмидир. Бу зулм уни қўлига қурол олишга мажбур этади. У душманга қарши қандай курашиш лозимлигини биладиган бошлиқ. Меҳнаткашлар оҳу зор қилиб, қақшаб йиғлаганларида Маҳмуд Торобий: «Золимни гум қилолмас, кўз ёш туфайли асло», дейди ва босқинчилардан қутулиш йўлини шундай кўрсатади: «Қутулмоқ истасанг пўлат тиғ яса!»

Маҳмуд Торобий бирлик, аҳиллик ғалабанинг асосий шарти, деб билади. Халқни бир жойга тўплаш мақсадида турли томонларга даъватномалар юборади. Зотан, қуролланган халқгина «Кечага айлантирар мўғул кундузин».

Маълумки, Маҳмуд Торобий бошчилигидаги қўзғолончилар Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларни босқинчилардан тозалайдилар. Бу тарихий факт драматик достондаги бадиий лавҳаларда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ойбек фақат қурол-яроғнинг кучигина эмас, халқнинг маънавий руҳи юксаклигига ҳам диққат-эътиборини қаратган, халқининг тарихдаги роли, унинг қудратини рўйрост талқин қилган:

Душманга омон йўқ, золимга кун йўқ,
Асло йиқилмайди эл тутган байроқ!

Драматик достоннинг финалида айтилган бу сатрлар билан воқеаҳодисаларга якун ясалган. Тўғри, Ойбек Торобийнинг Бухоро сардори бўлиб қолганини акс эттирмайди. Чунки бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Бундан ташқари, унинг кейинги жангларда ҳалок бўлганини ҳам қаламга олмасдан тўғри қилган. Чунки муаллиф оптимистик руҳни асар бошидан охиригача сақлаб қолган. Бу руҳ ғалабага олиб келган асосий омиллардан бири сифатида талқин қилинган.

Ғалабани таъминлаган асосий кучлардан бири Шамсиддин Маҳбубий тарихий шахс. Ойбек ўтмишда зиёлиларнинг ҳаётда, жамиятдаги ўрнини кўрсатиш мақсадида XIII асрдаги билимдон олим Маҳбубийни асарга олиб кирган. Ёвларнинг зулми уни Торобий қошига бошлаб келади. Маҳбубий яхши маслаҳатлар берибгина қолмай, йўл-йўриқ кўрсатувчи, ғалаба нурини кўра оладиган донишманд шахс. Маҳбубий аслида руҳониларнинг бошлиғи бўлган, Торобийни қўллаб-қувватлаган ва меҳнаткашларни қўлига қурол олиб, ғалабага эришишга даъват этган. Асарда қаҳрамоннинг асосий фазилатлари сақланган ҳолда, образ янги-янги материаллар билан бойитилган. Оқибатда у тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг, курашнинг ўқ томирларидан бирига айланган.

Драматик достонда қаламга олинган тарихий ҳодисалар тўғри акс эттирилган. Халқнинг босқинчиларга қарши озодлик кураши ўз моҳияти жиҳатидан аниқ тарихий ифодасини топган. «Маҳмуд Торобий» достони тарихни ёритиш жиҳатдан ҳам, бадиий жиҳатидан ҳам ўзбек миллий драматургиясининг дурдона асарларидан бири бўлиб қолди.

1944 йили Алишер Навоий номидаги ўзбек опера ва балет театри саҳнасида «Маҳмуд Торобий» операси қўйилди. Камина ҳам бу операни ўша вақтда уста санъаткорлар ижросида кўриш ва эшитиш бахтига сазовор бўлганман. Айниқса, мени бош ролни ижро этган халқ артисти Қори Ёқубовнинг санъати қойил қолдирган эди. Узоқ вақт шу асарнинг таъсирида юрганимни ҳеч эсдан чиқаролмайман.

Маълумки, опера либреттоси ихчам бўлади, ариялар, дуэтлар мусиқа оҳангига тушиши талаб қилинади. Шуларни назарга олиб, Ойбек асарни ихчамлаштирган. Лекин асарининг асосий сюжет линияларини сақлаган. Аммо битта янгиликни либретто матнига олиб кирган. Унда ватанпарварлик мотивлари, қаҳрамонлик руҳи кучайтирилган ва бойитилган.

Маълумки, биринчи асардан кейин ўтган вақт ичида фашизмга қарши кураш авж олган эди. Халқнинг руҳини кўтариш, душманга қарши нафратини ошириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этарди. Бу ҳолни Ойбек тўла эътиборга олган. Операда халқ оммасининг эркинлик учун кураш туйғулари тўла-тўкис ўз ифодасини топган.

Ойбек ўлкамизнинг ўтмишдаги қаҳрамонлик лавҳаларини, бу юрт мардона инсонларга бойлигини кўрсатиш орқали бугунги авлодларни озодликни юксак қадрлай билиш, боболар шонини сақлашга даъват этади:

Ҳар юртдош буни билсин:
Эркнинг қадрини билган,
Юртни эҳтиром қилган,
Ҳар инсон арслон бўлур
Разил ёвга чанг солур.
Бекор тўкилмайди қон.
Номингиз қолур абад,
Қулликка кўнмас асло
Ғурури билан инсон!
Бу тупроқлар бизники
Бу ўтлоқлар бизники.
Бунда боболар шони
Бу ер — бахтимиз қони!

Ойбек тарихни янги замонга яқинлаштирди. Бошқача айтганда, ўтмишни давр талабларига, вазифаларига хизмат қилдирди. Бу эса, мустақиллик учун курашиш лозимлигини, ҳар қандай душманга шафқатсиз бўлиш зарурлигини, адолат, ҳақиқат, албатта, тантана қилиш муқаррарлигини уқтиради. Дарҳақиқат, Ойбек яратган «Маҳмуд Торобий» драматик достонининг боқийлиги шундадир.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
профессор

Журналларни варақлаганда

«ТАФАККУР» ЖУРНАЛИНИНГ 2005 ЙИЛ 2-СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ



Чиқиб турган журналларнинг ҳаммасини ҳам илк саҳифасидан охирги варағигача ўқилади, деб айтиш қийин. Бироқ «Тафаккур»нинг мундарижаси бой ва ранг-барангки, бу нашрни «Бош муҳаррир саҳифасидан» тушиб охиригача ўқисангиз ҳам кетган вақтингизга ичингиз куймайди. Ахир, «Рекламага тушмаган нима қолди? Инсоф, уят, андиша эмас, ғирромлик, қаллоблик шиорга айланиб кетмадими?» деган хавотир ўқувчини ўйлантиради — кишида муносабат уйғотади.

Тафаккур эркинлигини белгиловчи хусусий ва умумий ижтимоий, маданий-маърифий, илмий-фалсафий омиллар ҳақидаги Абдураҳим Эркаевнинг, дунё халқлари орасида миллат сифатида ўрнимиз, мақомимиз, тараққиётимиз йўлидаги бугунги муаммолар ҳақидаги Нурбой Жабборовнинг мақолалари катта, айни пайтда, долзарб мавзуларда.

«Адабиётимиз «снайпери» сарлавҳали суҳбатда академик М.Қўшжонов болалигини, ёшлигини хотирлайди, миллий истиқлол ғояси, адабиётнинг халқ ҳаётидаги аҳамияти каби мавзулар борасида мулоҳазаларини баён этади. Суҳбат давомида олимнинг «Армонларим» бадиасини ҳам ўқийсиз. Бахтнинг суратини муҳаббатда кўрган истеъдодли шоир Иқбол Мирзонинг янги шеърлар туркуми ҳам «Тафаккур»нинг мазкур сонидан жой олган.

Журналнинг ушбу сони мундарижасини белгилаган асосий тадқиқот ва таҳлилий мақолалар сирасига таниқли олим Абдулла Аъзамовнинг «Навоий ва юнон донишмандлари», Баҳодир Зокировнинг «Сиёсат мафкураси ёхуд «Хукмдор» асарининг сири» мақолаларини киритиш мумкин. Шубҳасиз, бошқирдистонлик олим Эрнст Мўлдашевнинг «Биз кимдан тарқалганмиз?» китобидан эълон қилинган парчалар (Озод Шарафиддинов таржимаси) ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши тайин. Ёзувчи Набижон Боқийнинг мутолаалари эса ўйламайдиган кишини ҳам ўйлантиради: у ўқиган китобларидаги адабий қаҳрамонларни, бир сўз ёки иборанинг мазмунини бугунга боғлаб чақиб кўришга ундайди. Марҳамат, тишингизни синаб кўришингиз мумкин.

"Талқин ва тадқиқотлар" рукнидаги мақолалар ҳам журналнинг умумий мазмун-мундарижасига бегона эмас. Бу чиқишларнинг ҳам қизиқувчилари бор, албатта.

Хуллас, «Тафаккур»нинг бу йилги 2-сонини ўзингизники қилиб олсангиз янглишмайсиз.

Ёдгома

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ВА МУҲАММАДЖОН ҚОРИ

Бу икки сиймо ҳақида сўз кетганда, нене довонлардан бирга ўтган устоз — шогирд қиёфаси намоён бўлади. Абдулла Қаҳҳорнинг етук шахс бўлиб етишувида, шубҳасиз, Муҳаммаджон қори Ғафуровнинг ўрни каттадир.

Абдулла Қаҳҳор «Озгина ўзим ҳақимда» деб номланган таржимаи ҳолида Муҳаммаджон қори тўғрисида шундай деб ёзади:

«Менинг толеимга бу ерда (Қўқон шаҳри атрофидаги Оққўрғон қишлоғи назарда тутилмоқда. — ***Х.Ҳ.****) дўконлик Мамажон қори деган очиқ бир фикрли одам янги усулдаги (усули жадидия) мактаб очган экан. Мактаб катта бир масжиднинг ташландиқ бир ҳужрасида бўлиб, болалар домланинг ўзи ясаган узун-узун парталарда ўтиришар эди. Муҳаммаджон қори қоғоз, қалам ва кераклик китобларни шаҳардан келтириб бизга ўз нархида сотар, болалардан ҳеч нарса талаб қилмас эди. Қишлоқда ягона хат-саводли одам бўлгани учун мирзолик қилиб кун кўрар эди. Мен шу мактабда хат-саводимни чиқардим, ҳуснихат машқ қилдим. Ўшанда қўлимга тушган «Гулшани дилафғор», «Болалар боғчаси», «Ажойиб ул-махлуқот» деган китобларни ўқидим. Абдулла Авлоний, Тавалло деган шоирларнинг шеърлари билан танишдим. Домланинг айтишига кўра, биз куздан бошлаб фароиз (ҳисоб) ва харита ўқишимиз керак эди. Бироқ бу илмлар бизга насиб этмади: эрта кузакдан аллақайси қўрбошининг шопшалоп таққан понсоди келди-ю, синфхонани буздириб ташлади. Мактаб масжиднинг орқасидаги бир харобага кўчиб, том маъноси билан эски мактабга айландиқолди. Домла каттароқ ёшдаги болаларни пешин намозига ҳам олиб борадиган бўлди. Кейинчалик, аллақаерда ўқиб келган икки муллавачча домламизни ўша қўрбошига чаққан, болаларни жадид қиляпти деган экан».*

Муҳаммаджон қорининг қўлида олинган қисқа сабоқ Абдулла Қаҳҳор ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. «Ўтмишдан эртаклар» қиссасининг «Муҳаммаджон қори» бобида ёзувчи устозининг фаолиятига оид лавҳалар билан таништириш асосида ўша даврнинг мураккабликларини ҳам тасвирлаб ўтади:

«Қутбиддин узун енгини тирсагига суриб, домлага қўлини пахса қилди:

— Ўз қишлоғимизда масжид, мактаб турганда биз қаёққа борамиз? Биз чеккан риёзатнинг қадр-қиймати бўлмаса ҳам Бухорои шарифнинг қадр-қиймати бордир? Масжиднинг эшиги олдида ҳамиша битта-иккита от боғлоғлиқ туради, бинобарин, сизга хат, ариза ва бошқа балобаттар ёздиргани узоқ жойлардан ҳам одамлар келиб туради, шундан келадиган даромад кифоя эмасми?

Домла бош чайқаб кулди:

— Мен бу ерга сўфилик қилиб, мактаб тутиб нон топгани келган эмасман, падари бузрукворим ўзларига тўқ киши. Мен қишлоққа илм-маърифат уруғини сочгани келганман.

Қутбиддин заҳарханда қилди:

— Жадидлик уруғини сочгани келганман, денг! Ҳаммани тўртинчи қиламан, денг!

— Жаҳолат! Жадидга нима қипти? Жадид — янги, усули жадид — янги усул, деган гап, жадидчилик куфрми?..»

Ўз даврининг пешқадам инсонларидан бўлган Муҳаммаджон қори ва Абдулла Қаҳҳорнинг дўстона, устоз — шогирдлик муносабати бир умр давом этган. Муҳаммаджон қорининг Абдулла Қаҳҳорга ёзган мактублари ҳам самимийликнинг белгиси сифатида фикримизни тасдиқлайди.

Абдулла Қаҳҳор уй-музейида Муҳаммаджон қори Ғафуровнинг учта мактуби сақланган. Улардан бири араб, иккитаси кирилл алифбосида ёзилган.

Ёзув варағининг ярим бетига битилган араб алифбосидаги мактубни ўқишнинг иложи бўлмади. Чунки йиллар ўтиши билан сиёҳда ёзилган мактуб ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган. Бошқа мактублар мазмунидан қори домланинг Абдулла Қаҳҳорга суяниб қолганлиги, кўпинча шахсий муаммоларидан ёзувчини хабардор қилганлигини англаш мумкин.



«**Ўғлим Абдуллажон!** — деб ёзилади хатларнинг бирида. — **Баъзи мулоҳазаларга бориб оғриқ бошим дардини сизга ўтказишни ҳар истамасам-хоҳламасам ҳам ноиложликнинг шундай чегарасига бориб етдимки, бир халоскорим деб сизга мурожаат қилишга бўлган иштиёқимни рад этмассиз деб ишондим.**

Ўзингизга маълумки, бизнинг сиздан бошқа суянчиқ ва дилимизга қувват бағишлайдиган ўғлимиз йўқ. Кексайган чоғимизда енгил-елпи юмушларимизни осон қилувчи дастёр ўғилча ҳам керак бўлиб қолганига бир неча йиллар бўлдиким, шу мақсад билан ўз олдимизга овунчоқ бўлар, деган умид билан Валижон деган 3-4 ёшлардаги ўғил болани онаси вафотидан сўнг отаси розилиги билан тарбиямизга олиб 16-17 йилдирким, бирга-бирга яшадик, тарбияладик. Афсуски, ўғилни қонун йўли билан расмийлаштирмаган эканмиз, ўз отаси ҳисобида бўлиб, Совет Армияси сафига олиб кетилди, биз чолу кампирлар қаровчисиз ночор ҳолда қолдик. Аҳволимиз анча аянчлироқ, тафсиллироқ ёзишни лозим кўрмадим. Чунки камина 81 ёшда, кампир 76 ёшда бўлганлигидан сизнинг тўғри тушуниб, баҳо беришингизга ишончим комил. Қонунда биздек кимсасиз кимсаларнинг ўғилларини армия сафига олмас эканлар, аммо ўғлимиз бизнинг фамилиямга расмийлаштирилмаганлиги туфайли ҳеч қаерда оху додимизга ва аризамизга қулоқ солмадилар. Сизга маслаҳатга ва қўлингизни ёрдамга чўзарсиз деб умид билан мурожаат қилишга мажбур бўлганлигим боиси шулдир.

Сиздан хат орқали фикр ва мулоҳазаларингизни, кўрган чораларингизни ёзиб юборишингизни ўтиниб илтимос қиламан. Вужуди кўз бўлиб ёрдамингиз ва хатингизга тикилган

ғариб дадангиз
Муҳаммаджон. 12. I. 1966 й.»

Абдулла Қаҳҳор бирорта мактубни беэътибор қолдирмаган. Буни сақланиб қолган жавоб хатлардан ҳам билса бўлади. Зеро, устозининг кейинги мактуби жавоб хатнинг натижаси ўлароқ юзага келган дейишимизга асос беради.

«**Ўғлим Абдуллажон,** — деб ёзади Муҳаммаджон қори. — **Жавобингиздан олинган хат мазмунидан ниҳоясиз хурсанд бўлиб, кувончимиз шу даражага бориб етибдурким, ҳатто, сизга хатингизни олганимиз ҳақида хабар қилишни ҳам унутаёзибмиз, чунки ўша тарихий хат кетидан қува-қува Оққўрғон қишлоқ советидагиларни ҳадеб зериктириш даражасига, алҳамдулиллоҳ, етиб қолганга ўхшайман, бинобарин, қўлингиздаги мактубни гарчи кечикиб бўлса-да ёзаётирман.**

Баъдаз маълум бўлғайким, сақлаб олган ўғлимизни номимизга ўтказишни расмийлаштириш маълумингиз шунча вақт ичида ҳам амалга ошмоғи муаммодек пайсалга тушиб турибди. Бу ерда биздек ғарибларнинг арзига қулоқ солмоқликлари қай мезонда бўлмоғи ўзларига равшандир. Биноан алайҳи шикоятомуз хат навесанд қилмоқни хилоф ақида айлаб хатни мухтасар қилмоққа кўшиш қилдик.

Келгуси маслаҳатларингизга қулоқ солиб тамом ҳурмат ва таъзим билан устодингиз Муҳаммаджон Ғафуров. 15. II. 67 й.»

Ёзишмалар Абдулла Қаҳҳорнинг фақат талабчан устозгина эмас, айни дамда, садоқатли ва меҳрибон шогирд бўлганини ҳам кўрсатади.

Муҳтарам устозимиз профессор Умарали ака Норматовнинг ёзувчи умрининг сўнгги дамлари ва унга боғлиқ воқеаҳодисаларни хотирлашича, Абдулла Қаҳҳорнинг васиятига кўра, унинг жанозасини устози Муҳаммаджон қори ўқийди. Устоз қорининг ниҳоятда хушовоз билан қироат қилганини алоҳида таъкидлади.

Қори номининг Муҳаммаджон Ғафуровга нисбат берилиши унинг диний илмларни ҳам мукаммал эгаллаганини кўрсатади. Муҳаммаджон қори ёш Абдулла Қаҳҳорга ҳаёт ҳақида илк сабоқ берди, қўлидан тутди ва сўнгги манзилга ҳам ўзи кузатди. Жанозасининг Муҳаммаджон қори томонидан ўқилишини васият қилганлиги Абдулла Қаҳҳорнинг устозига ишонч-садоқатининг баланд бўлганлигини, уни маънавий юксак диний уламо сифатида қадрлаганлигини билдиради, дейишимизга асос беради.

Афсуски, қўлимиздаги оз манба Муҳаммаджон қори ҳаёти ҳақида тўла маълумот бермайди. Устозларимизнинг айтишларича, ёзувчи вафотидан кўп ўтмай Муҳаммаджон қори ҳам ҳаётдан кўз юмган экан. Бироқ қайсидир жиҳатлари билан тарихда муҳрланиб қолган Муҳаммаджон қори Ғафуров етук билимдон шахс сифатида ҳам, ёзувчининг устози сифатида ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Хуршида ҲАМРОҚУЛОВА,
филология фанлари номзоди

Муносабат

ИЛЛАТ ИЗЛААГАНГА ИЛЛАТДИР ДУНЁ...

Адабиёт сўз санъати, шеърият унинг гултожидир. Шеърият неча минг йиллар давомида одамларни ёруғликка етаклаган, кишиларга нафис завқ бағишлаган. Оғир дамларда ҳам, шодлик чоғларда ҳам инсон шеърга суянган. Шеър кўнгли кемтик одамни юпатган, нажот йўлларини кўрсатиб берган. У орзуларга қанот бағишлаган, гўзалликни улуғлаган.

Шериятда, айниқса Шарқ шериятида ҳаё, иффат, ибо, лутф, назокат муҳим фазилат ҳисобланган. Шоир агар бирор қочирим ёхуд кинояга эҳтиёж сезса, уни ғоят нуктадонлик билан ифода этган.

Афсуски, мавҳум, яланғоч, беҳаё сатрлар айрим шоирларимиз ижодида ҳамон кўзга ташланади. Бугунги шеърият ҳақида газетада баҳс кетаётган экан, қуйидаги мисраларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ватан тушди чуқур қоиндан
жуда ҳолсиз эди бечора
латта-путта чирмалган эди
оёғига
қош-қабоғига...

Ватан ҳақида кўп гўзал шеърлар битилган. Лекин А.Маҳкамнинг ушбу сатрларини тушунмадик. У Ватанни нимага ўхшатмоқда? Ахир, Ватанни онадек эъзозлаш керак эмасми? Ватанга беписандликни, уни алланарсаларга менгзашни қандай тушуниш мумкин?

Заҳарханда муболаға ҳам эви билан да. Муаллиф танлаган сўзларга, ўйлаб топган мана бу ифодасига эътибор беринг:

Иркит қулга коса тутдилар
Ич эй ялоқхўр...

Уни эшак қилиб миниб ўтдилар —
бири — шол...
бири — сўқир...
Қул иржайди
сўйлоқ тишига
қўнди ўзидан-да иркит чивинлар...
Ташланди хўжанинг кир идишига
юзига сачради ювиндилар...

«Озодлик» сарлавҳали ушбу шеър ўқувчида қандай таассурот қолдириши мумкин? Муаллиф бу шеъри билан нима демоқчи? Ёки мана бу сатрларни олайлик:

ахлат тўдасини титкилаётган
кампир қўлларини бир ит тишлади...
Бир чол асо билан савай бошлади
ахлат ичидаги ит ва кампирни...

Итлар ва одамлар ғажишаверди
жамият ахлатга айланган жойда...

Бу «шеър» халқимизнинг «Сасиган оғиздан ачиган сўз чиқади» деган мақолини ахлат дея ҳақорат қилиши, айниқса, ачинарли. Ахир, унинг ўзи ҳам жамиятнинг бир аъзоси эмасми?

Қуйидаги шеърни ўқиб кўринг:

Шамол ҳам ўрада тортар бурнини
зоғонлар учолмас гўё чурвақа...
Тепалар ўхшайди яғир тўнини
елкасига ортиб ётган ўзвакка...

Бу сатрларни қандай изоҳлаш мумкин? Бу сўзларда қандай мантиқ бор? Шеър ёзиш, ахир алжираш дегани эмас-ку!

«Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор» деган ҳадисни олимлар гўзал ва сеҳрли, ҳикматли шеърларга нисбат бериб қўллашади. А.Маҳкам шеърлари эса, шоирлик даъвосидаги айрим кимсаларга ўрта аср шоири берган «Кими ҳайвон киби шалғам чўпин ер» деган баҳони эсга солади.

Ҳурмат ифорасини ёдга солади.

. Французларнинг машҳур шоири Шарл Бодлернинг шундай насрий шеъри бор: *«Ма, ма, келақол! Бу шаҳардаги энг зўр парфюмерия фабрикасида ишлаб чиқарилган жуда хушбўй атир. Уни шишаси билан олақол. Қарагин, қандай яхши. Баҳри дилингни очади. Ҳой, нега юзингни бурдинг? Тумшуғинг билан ерни искалаб, нимани излаяпсан? Ҳа, сенга гулдан, гул ҳидидан кўра сассиқ ахлатхонани титкилаш афзалда-а? Барибир итлигингга бординг-да, кўппак! Оббо, яна ахлат излаяпсанми?»*

Бу бир рамзий шеър. Бироқ А.Маҳкамнинг шеър деб даъво қилаётган «шеър»ларида ўз нигоҳини нимага қаратганини, нимани излаётганини тасаввур қилинг.

«Жамият» сўзи жамоа — бир жойга бирлашган, бир заминда яшаётган одамлар дегани. Кенг маънода «жамият» тузум, ягона мақсадга интилган кишилар жамоаси демақдир. Муаллифнинг жамиятни ахлат дея ҳақорат қилиши, айниқса, ачинарли. Ахир, унинг ўзи ҳам жамиятнинг бир аъзоси эмасми?

Қуйидаги шеърни ўқиб кўринг:

Шамол ҳам ўрада тортар бурнини
зоғонлар учолмас гўё чурвақа...
Тепалар ўхшайди яғир тўнини
елкасига ортиб ётган ўзвакка...

Бу сатрларни қандай изоҳлаш мумкин? Бу сўзларда қандай мантиқ бор? Шеър ёзиш, ахир алжираш дегани эмас-ку!

«Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор» деган ҳадисни олимлар гўзал ва сеҳрли, ҳикматли шеърларга нисбат бериб қўллашади. А.Маҳкам шеърлари эса, шоирлик даъвосидаги айрим кимсаларга ўрта аср шоири берган «Кими ҳайвон киби шалғам чўпин ер» деган баҳони эсга солади.

Йўқса, мана бу «мисра»ларни қандай изоҳлаш мумкин:

Бир хунук излар бор ой тақасида
нурлар-да хашақдек сассиқ ва иргин...
Аёлнинг энг нозик минтақасида
назокат тўрларин тўқийди чивин...

Тун бўйи ким билан ётганин билмас
қачондир мен суйган қаримсиқ аёл...

«Чилладан қирқ йил сўнг қўзғолган авлиё» (А.Маҳкам сатри)нинг оғзидан чиқаётган сўзларга қаранг: «Энасин этагин кўтариб қўйган», «Оталарнинг нутфасида йиғлар болалар заифалар бачадони чирқиллаган тун бешикларда сумалакларни ҳидлайди қашқир...»

Ёзаётган одам аввало ўйлаган нарсасини, ўз туйғуларини ёзади. Маълум бир асардан муаллифнинг дунёқараши, ахлоқи ва турмуш тарзини билиб олиш мумкин. Фаҳш ва бузуқликни ўйлаган, уни ўқувчиларга асар сифатида тақдим этган шоир шеърларида «Буюк Қуръон», «Аналҳақ» деган муқаддас сўзларни ўқиб, ажабландик. Ибодат қиладиган одам олдин ҳам жисман, ҳам маънан, ҳам қалбан покланиб, тозаланиб, ибодат қилади-ку.

Дунё ғаройиб: бир гулдан ари асал йиғади, илон — заҳар. Одамлар ҳам феъл-атворига кўра турлича бўлади: айримлари дунёдан иллат излайди, баъзилари эса — ҳиммат. Улуғларимиз шу боис ҳам одамни чивинга ўхшаб қолмасликка ундаган. Сабаби, чивин турфа гуллар орасидан ўтса-да, алалоқибат энг ифлос жойга — ахлатга қўнади.

Ушбу муаллифнинг бир шеърида «Мен ҳеч қачон мард эмасдим, нобакор эдим» деган сатр бор. Мана бу ҳақ гап! Улуғ валий шоир Паҳлавон Маҳмуд бежиз айтмаган: «Иллат излаганга иллатдир дунё». Бир яхшидан, бир ёмондан ибрат ол, деган гап бор халқимизда. Азиз ўқувчи, иллат эмас, ҳикмат излаб яшайлик. Шунда албатта ҳикматни топажакмиз.

Одил РАВШАНОВ

ОЙБЕК ИЖОДИ — ДАВР КЎЗГУСИДА

Шу кунларда таваллудининг 100 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланаётган ҳассос адибимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекдан бебаҳо адабий мерос қолган. Миллий адабиётимиз хазинасини юксак мақомга кўтариб турган «Навоий» ва «Қутлуғ қон» каби романлар, достон ва қиссалар, бир-биридан ажойиб шеър ва поэмалар моҳир сўз санъаткорининг беназир истеъдодидан далолатдир. Бу асарлар олимлар ва адиблар, тадқиқотчилар томонидан мунтазам ўрганилиб, адиб маҳоратига доир янги-янги изланишларга мавзу бўлаётир.

Куни кеча Қарши давлат университетида «Ойбек ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида бу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Анжуманга Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан ташриф буюрган таниқли олимлар Ойбек ижодининг турли қирралари ҳақида ўз тадқиқотларини баён этдилар. Анжуманни Қарши давлат университети ректори Ғулмирза Худойберганов очди. Профессор Наим Каримов «Ойбек ижоди XX аср адабиёти кўзгусида» деган мавзуда маъруза қилди. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов ва профессор Умарали Норматов Ойбек ҳақидаги унутилмас хотираларидан сўзлади. Адиб ва унинг рафиқаси Зарифа Саидносированинг умр достони манзаралари, ҳаёт ибратлари тилга олинди. Профессор Ҳотам Умуров адибнинг бадиий услуби жилолари, Қарши давлат университети профессори Дамин Тўраев эса Ойбек ижодий истеъдодининг олмос қирралари ҳақида сўз юритдилар.

Шундан сўнг ойбекхонлик анжумани бир неча шўъбаларга бўлинган ҳолда давом этди. «Ҳозирги адабий жараён ва Ойбек ижоди», «Ойбек асарларининг тили ва услуби», «Ойбек ижодида ўрганиш муаммолари»га доир ранг-баранг мавзудаги маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Анжуманга ташриф буюрган таниқли шоирлар ва талабалар улуғ адиб ижодига мансуб шеърлардан ўқиб, буюк ёзувчи хотирасини шод этдилар.

Н.МАМАНОВ

ЖАН (ИОАНН)

АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ САРОЙИ

Боши биринчи бетда.

I. Темурбейнинг тахтга чиқиши

Бу ҳукмдорнинг қўли дастлаб унчалик узун бўлмаган ва уни кўпчилик танимаган, унинг қўл остида ўзининг оиласига ўхшаш оилалардан чиққан атиги ўн чоғли маслакдоши бўлган. Бироқ у ёшлигиданоқ ўз ақл-заковати, уддабуронлиги ила бойлик орттира борди, истеҳком ва амлокларни эгаллаб, маслакдошлари сонини ниҳоятда кўпайтирди ва кундан-кунга кучайиб борди.

Ўзининг ишларидан Буюк Мўғулистон императори(амир Қазоғон)нинг ғазаби қайнаб турганини сезган Темурбей тўппа-тўғри Хитой императорининг ҳузурига борди. У камарли насронийлар (мароний) мазҳабидан бўлиб, мўғул императорининг рақиби ва душмани эди. Темурбей шу насроний император ҳузурида кўп ҳаракат қилиб, ундан қудратли бир қўшинни ёрдамга олди; шу қўшин билан у зикр этилган Мўғулистон императорининг катта ерларини қўлга киритди, хусусан, у Семеркант(Самарқанд) шаҳрини эгаллади. Шаҳар Шарқда жойлашган бўлиб, Мўғулистон императорига қарарди. Шундан сўнг у (Амир Темур) насроний императорнинг лашкарига кетиш учун рухсат берди.

Темурбей томонидан таҳқирланган ва ҳақоратланган мўғуллар императори (юқорида архиепископ амир Қазоғон ҳақида сўз юритса, бу ўринда ва ундан кейин амир Ҳусайн ҳақида сўз юритади) ўз рақибига қарши курашиш учун жуда катта қўшин тўплади ва унинг ҳузурига элчилар йўллади. Элчилар унга (Амир Темурга) ё жанг майдонига чиқиш ёхуд Мўғулистон императорига сўзсиз итоат этишни айтишлари лозим эди; агар у (Амир Темур) унга итоат этса, катта ҳоким қилиб тайинланиши ваъда этилганди.

Ҳузурига келган элчиларни кўрган Темурбей зўр ҳийла ишлатиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Зеро, у зикр этилган императорнинг қудратини яхши биларди. Шу боис рақиби ва унинг элчиларини ғафлатда қолдиришни ўйлай бошлади. Яхшилаб фикрини жамлаб олгач, янги сўйилган молнинг қонини келтиришларини буюрди ва уни ютиб олди. Сўнгра элчиларнинг не мақсадда келганини билиш учун уларни тезгина ўз ҳузурига чорлади. Элчилар ҳузурига кирган чоғ унга (Амир Темурга) шошилинч равишда тоғора келтирдилар ва у элчилар олдида ютган қонини қайт қила бошлади; улар (элчилар) бу қонни унинг (Амир Темурнинг) қони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдиридан қочиб қутула олмаслиги ва дардига ҳеч қандай даво йўқлигини, яъни тез орада ўлажаклигини билдирди. Шундан сўнг элчилар бемалол қайтиб кетдилар. Чунки улар Темурбейнинг «ўлаётгани»ни ўз кўзлари билан кўрган эдилар.

Бундан хабар топган император кўп шодланди ва лашкарларига ижозат бериб, кичик бир аскарлар гуруҳи ва хотинлари ҳамда фарзандлари билан хурсандчиликка берилди. Элчилар қайтиб кетганига ишонч ҳосил қилган Темурбей сакраб тушагидан турди ва бутун қўшини билан зикр этилган императорнинг кетига тушди; Темурбей уни хотинлари ва фарзандлари ҳамда кичик бир аъёнлар гуруҳи билан айш-ишрат қилиб турган чоғида учратди. Темурбей қиличини кўтарди ва императорни маҳв этди, унга қариндош бўлган хотинини ўзига хотин қилиб олди, ўз ўғилларига императорнинг қизларини олиб берди ва унинг эркак зотидан бўлган яқинларининг ҳаммасини ўлдирди; фақат биттасидан ташқари, уни ўз ёнида олиб қолди, исми Солтамакуш (Суюрғатмиш) эди. Темурбей унинг номидан ҳукмронлик қилди ва шу йўл билан у бутун Трансоксания империясини қўлга киритди. Бу воқеалар рўй берганида у қирқ ёшда ёхуд сал каттароқ эди. Шундан сўнг у Шарқдаги кўп вилоятларни қўлга киритдики, жумладан, уларнинг бири Сименана (Симнон) деб аталарди, бу хусусда кейинроқ сўз юритилади.

II. Темурбей исмининг талқини хусусида

Бу императорнинг исми Темурбей эди; бу исм қуйидагича талқин қилинади ва изоҳланади: Темурбей атоқли отдир ва «темир» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «fer» (французча «темир») маъносини билдиради ва «бей» сўзи «ҳукмдор» маъносига тенг бўлиб, «темир ҳукмдор» деган маънони англатади. Бошқалар уни «Тамурлан» деб аташади, бу сўз ҳам «темир»дан келиб чиққан бўлиб, французчасига «Темур оқсоқ» деган маънони билдиради. «Оқсоқ» унинг лақаби эди.

Бу татарча ва форсча талқинлардир. Эронда уни «миритабам», яъни «ҳукмдор» деб ҳам, «калон», яъни «буюк ҳукмдор» деб ҳам аташади.

III. Темурбейнинг унвони хусусида

«Темур Гаракан сосмус» («Темур Кўрагон сўзимиз») ибораси Темур «императорнинг ўғли» ёки «куёви» деган маънони билдиради ва «сосмус» — «бизнинг қатъий сўзимиз» деганидир. У ўзини на қирол, на император ва на бошқа ном билан атайди; қачон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди ва амр этади, унга ҳурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; бу ҳурматдан сўнг у ўша император ҳақида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бироқ, Темурбей барча ишни императорнинг мухрисиз амалга оширади.

IV. Унинг ирқи хусусида

У келиб чиқиши бўйича шарқлик барлослардан бўлиб, уларнинг миллати йокате (чиғатой) деб аталади. Баъзилар фикрича, шу томонларда бизнинг Иисус Христосга тенг келадиган уч қирол ўтган экан. Бу ўлкага Ҳиндистон томонидаги Персиядан кейин келадиган Корасан (Хуросон) вилояти, Медиа (Озарбойжон) вилояти ва бошқа вилоятлар киради. Бу ўлка таркибига кирувчи яна бир шаҳар, бу — Темурбейнинг шаҳри Семеркантдан жуда йироқда, юз кунлик масофада, Жийон дарёсидан нарида – Персияда жойлашган Сузис (Суза) шаҳридир.

V. Ўғилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темурбейнинг кўп ўғиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги иккитаси ҳаёт, уларнинг каттасини Миранза(Мироншох) деб аташади ва унинг ёши қирқ ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни(Шоҳрух) деб аталади ва унинг ёши йигирма икки атрофида. Биринчисининг исми қуйидагича талқин қилинади: ***мир*** – жаноб ва ***за*** — қирол, яъни «жаноби қирол». Иккинчисининг исми француз тилида «қиролнинг юзи» маъносида. Тўнғич ўғил барваста, хушмуомала, ҳурфикр ва отасининг саройида ҳамма уни ҳурмат қилади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (овруполикларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр(Македонялик Александр). Унинг тўрт хотини ва тўрт ўғли бор: хотинларининг энг суюклиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода) деб аталади. Ўғилларининг лашкарлари катта, яъни 20-30 минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта. Айниқса, Абасимеза (Мирзо Абубакр) исмли тўнғич ўғлининг лашкари жуда қатта; бу исм «Худонинг марҳамати ила туғилган», деб талқин қилинади. Бу ўғил қурол ишлатишга жуда моҳир. Тўрт ўғилнинг яна биринг исми Омариза (Умар Мирзо) бўлиб, у Темурбейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, қўл остида катта ўлка бор.

VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида

Темурбейнинг олтмиш-етмиш чоғли ёхуд ундан зиёд жияну набиралари бор. Уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўғли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта амлокка эга; иккинчисининг кўп ўлкаларда ўзига маслакдош ва содиқ вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин(Мирзо Султон Ҳусайн)дир.

VII. Темурбейнинг хотинлари хусусида

Темурбейнинг тўрт қонуний хотини ва кўплаб канизаклари бор. Катта хотини император оиласидан бўлиб, Карон (Сароймулюҳоним) деб аталади ва доим аёллар доирасида фароғат топади; эркакларни асло ёқтирмайди. У соғлиги ёмонлиги туфайли ҳар куни даволаниш учун минг дукат (тилла) сарфлайди, доимо хотинлар қуршовида юради.

VIII. Темурбей ҳукмронлигининг бошланиши

Ёшлигида у ҳам ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақл-заковати, зукколиги билан ажралиб турарди ва доимо мард йигитлар қуршовида юрарди. У доимо худони олқишлаб юради ва нима қилса барисини худо учун, унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, у нимага эришган бўлса, худонинг марҳамати ила эришган, вақти келиб буларнинг ҳаммасини худога қайтаради. Яна унинг айтишича, барча рўй берадиган нарсани худо унга олдиндан башорат қилади.

Ҳозир у жуда катта ва қудратли ҳукмдор. Зеро шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган ҳам, учратган ҳам эмас. Айниқса, у Семеркант шаҳрини ва Трансоксания империясини қўлга киритганидан кейин шундай қудратга эга бўлди. Зотан, у (империя) Шарққа томон шунча катта маконни эгаллаганки, унинг бир сарҳадидан иккинчисига етиш учун тинмай ярим йил йўл босиш керак. У кўплаб вилоятлар, шаҳарлар, қўрғонлар, амлокларни қўлга киритди ва тобе этди. Жумладан, у Ҳиндистондаги Дилли (Дехли) деган шаҳрни ишғол қилди ва қиролини бўйсундириб, шундан сўнг Ғарбга томон юрди ҳамда Константинополгача бўлган барча ўлкаларни эгаллади.

IX. Темурбей ҳукмронлигидаги вилоятлар ва ўлкалар хусусида

Темурбей қўл остидаги Ҳиндистондан Туркиягача бўлган ҳудудни бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса тўққиз ойда босиб ўтади. Унинг салтанати таркибига, жумладан, қуйидаги ўлкалар киради: Дилли — йирик шаҳар; Сименана — вилоят; Маластан (Бадахшон) — вилоят; қимматбаҳо тошлар ўлкаси; Ферину (Кимеҳредган) ҳинд зираворлари шу ердан келади ва Сийон (Сайҳун) дарёси орқали бошқа ўлкаларга олиб ўтилади; Органун, бу вилоят Персияда Корасмо (Хоразм) деб аталади; Чин-Мочин (Хитой) — шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишади, яхши сақланади, айтишларича, бир буюмни қирқ йилда ясашар экан; Бокара (Бухоро) — аъло сифатли олтини билан машҳур вилоят; Коросан (Хуросон) — ўттизта шаҳрли вилоят; Медиа (Озарбойжон) — жуда катта вилоят; Спахан (Исфаҳон) – вилоят; Сирас (Шероз) — вилоят; Шилан (Гилон) — шаҳар ва вилоят, Каспий ёхуд Бачин денгизи яқинида; Аран — жуда катта вилоят; Порт Ферре — жуда катта вилоят ва Александр денгизни Кавкази деб аталган тоққача қазиб олиб борган шаҳар, бу тоғда турфа тилли халқлар яшайди; Жоржия (Грузия) — қироллик ва жуда катта вилоят; Буюк Армения, у ерда Нуҳ пайғамбарнинг ёйи жойлашган тоғ бор; Курдистон — жуда катта вилоят; Калдея (Ироқи Араб) — вилоят; Астрия (Ассирия) — вилоят; Рум — вилоят; Туркия — вилоят.

Бундан ташқари, кўплаб вилоятлар ва шаҳарлар Темурбей салтанати таркибига киради, уларнинг сони юз мингта, сўзимизни қисқароқ қилиш мақсадида номларини келтирмаймиз.

X. Темурбейнинг маҳорати ва қудрати хусусида

Қисқача айтганда, Темурбей жанггоҳларда барчани, жумладан, кўплаб қироллар ва шаҳзодаларни енгди, на бирор шаҳар ва на бирор истеҳком унга дош бера олган; у сон-саноқсиз шаҳарлару қўрғонларни забт этди, ҳисобсиз халқларни ўзига тобе қилди; саноқсиз муҳорабаларда зафар қозонди ва мана ҳозир ҳам у Буюк Туркни (Боязид Йилдиримни) маҳв этди — Туркия уники бўлди, кўплаб қироллар ва шаҳзодалар, катта ҳокимлар унинг тарафида.

XI. Темурбейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони хусусида

Бу хусусда ҳар хил гаплар юради, бироқ унинг лашкарлари сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айримларнинг айтишича, унинг қўшини ўн юз минг (миллион) аскардан ва камида саккиз юз минг отдан иборат; туғлар ва бошқа жониворларнинг эса асло ҳисоби йўқ. Унинг яна қирқ жанговар фили бор, аскарлар уларнинг устида ўтириб жанг қиладилар; қуролланган суворий шаҳзодалар ва мард навкарлар у билан бирга юрадилар; улар енгил қуролланган ва ортиқча аслаҳалари йўқ, шамширлари ва камонларига ишонадилар ва, хусусан, унга ўттиз олти йилдан бери ҳамроҳлик қилиб келаётган одамлари шаҳарларга кирмайдилар, очиқ далада тунайдилар.

XII. Темурбейнинг бойликлари хусусида

Унинг бойликларининг сон-саноғи ва миқдорини ҳеч ким билмайди... Қимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадики,— мен бунга ишонаман,— бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва қудратли бўлмасин, у қадар кўп бойлик тўплай олмаган. Яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ерости бойликларини ҳам қидириб топдириб, уларга эга бўлди; айтишларича, ўтган йили (1401 йил) у оғирлиги юз ўн етти сэ (сэ — тахминан бир мисқол) келадиган бир жавоҳир топганки, олти сэ бир унцияга тенгдир.

Сўнгра, Бағдод шаҳри олингач, у Евфрат (Фрот) дарёсига ғарқ бўлган бир кемани топди, кемага Персия қиролларининг барча бойликлари ортилган эди. Хазинадан соф ва нафис олтин дарахт чиқди, унда турфа рангли ва турфа хил қимматбаҳо тошлар, сон-саноқсиз марваридлар бўлиб, бунчалик катта ҳажмиятга ва қимматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Темурбей бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркантга жўнатди, у ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўлаки, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмайди.

XIII. Темурбейнинг очиққўнгиллилиги ва шафқатсизлиги хусусида

У шароб ичганида меҳрибон ва очиққўнгил бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади. Алқисса, у ғазаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатининг шиори учун ўз тамғасига форс тилида «адолат» сўзини икки марта («Рости — рости») ёзадирган. У ўз дўстлари ва элчиларга, айниқса, узоқ ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиққўнгиллилик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига қарши борганларга нисбатан у ўта шафқатсиз; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони қизиқтиради.

XIV. Темурбейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида

Темурбейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкин: у ҳар доим очиқ далада ҳарир шоҳи чодир остида умр ўтказади; зеро. унинг халқи шунчалик кўпки, уларнинг барчаси шаҳарда яшай олмайди. Бироқ уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади, сотилади ва харид қилинади; бу ерга узоқ ўлкалардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил маҳсулотлар ва ҳатто қуллар ҳам сотилади. Темурбейнинг одамлари жуда қимматбаҳо нафис шоҳи матолар ва ҳарир жун матолардан кийим киядилар. Улуғлари эса, Константинопол императори каби бош кийим киядилар, мартабалари қанчалар баланд бўлса-да, бош кийимларига қимматбаҳо тошлар қадамайдилар ва аймилари туркларга ўхшаб думалоқ кокилез киядилар.

Темурбейнинг фуқаролари саранжом-саришта одамлар, улар ерда – стол ва курсисиз овқатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлақо нон ейишмайди, улар нонни ёқтиришмайди, бироқ ажнабийлар тўйгунларича нон ейишлари мумкин, зеро, ҳар қадамда нон мўл.

Унинг саройида шароб ичиш таъқиқланган, насронийлар эса, ичишлари мумкин, у ҳам бўлса, фақат кечки овқат олдидан, овқатдан сўнг сув ва қимиз ичилади, бир қимизки, шаробдан кам кайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, унинг (бўзанинг) ранги сутдек оппоқ ва шаробдек кайф беради.

Унинг саройида номуссиз аёлларнинг яшаши таъқиқланган, ҳар кимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эркаклар каби моҳир чавандоздирлар, улар яхши кийиниб оладилар, отда юрганларида фақат бурунлари ва кўзлари очиқ бўлади. Одамларнинг юзлари кенг ва осиёликларга хос, ҳамма қатори яшашади ва улар сарацинлар (мусулмон сунналар) мазҳабидандирлар.

Темурбей зиёфатларда тилла, кумуш идишларда овқат ейди ва ўз олдидаги гўштни вассаллари, шаҳзодалар, зодагонлар, элчилар билан баҳам кўради; ҳамма ерда ўтириб овқатланади. Агар ўзи чақирмаса, унинг ёнига боришга ҳеч ким журъат эта олмайди. Унинг ўғиллари ва беклари ҳам русхсатсиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

XV. Темурбейнинг ўз асирларига муносабати хусусида

Агар у бирор ўлкани забт этишни ихтиёр этса, қора рангли туғини кўтаради ва унинг аскарлари ўша ўлкани забт этишга отланадилар, эгалланган ўлкалардан турли хирож ва бойликлар йиғилади. Шуни унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, мусулмонларга ҳам бирдек муносабатда бўладилар.

XVI. Темурбейнинг муҳораба ҳақидаги фармонлари хусусида

У фармон бериши у ёқда турсин, имо қилиши биланоқ ҳар ким нима қилиш зарурлигини яхши билади. У ўз қўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган; унинг амрига итоат этмаганларнинг боши кетади.

У қўшинда қатъий тартиб ўрнатган: кимда-ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади; жангда орқасидан жароҳатланган кимса эса жазоланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди, уларга катта туҳфалар қилади.

У ўзидан кучли ғанимларга қарши жангга кириш олдидан лашкарларини шу қадар пухта жойлаштирадики, ҳеч нарса назаридан четда қолмайди; сўнг у ғаними ўз ҳушёрлигини бой беришини пойлайди ва шу заҳотиёқ унинг устига кутилмаганда зарба бериб, истеҳкомларини вайрон қилади. У қисқа муддатда узоқ йўлни босиб ўта олади, пухта изланишлар ва доно фармонлар ила ўз лашкарларини катта талофатлардан сақлайди. Мухтасар қилиб айтганда, у шу пайтгача барча муҳорабаларда зафар қучган, ҳеч ким унга қаршилик кўрсата олмаган.

Темурбей Туркия ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркка (Йилдирим Боязид) қарашли катта шаҳар Сабастр(Сивос)га борганида ҳам худди шундай бўлган. У мазкур шаҳар қаршисида ўн бир кун турди, шундан беш куни ичида қалъа деворлари ёнида шундай бир минора қурдирдики, ундан бутун шаҳар яққол кўриниб турарди. У қон тўкмасликка сўз берганидан кейин шаҳарликлар таслим бўлдилар...

Ундан сўнг Темурбей жуда катта дарё бўлган Евфрат (Фрот) дарёси бўйича борди; у ерда беш кун ичида зарур кема ва қайиқлар ясаттириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ортиқроқ лашкарини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказди. Дарёдан ўтиб, у баланд тоғ устида жойлашган Ҳалаб шаҳри деворлари ёнига етиб борди ва шаҳар ичкарисида султоннинг кучли қўшини жойлашганидан хабар топгач, қалъани қаттиқ курашсиз қўлга кирита олмаслигига кўзи етди. Шу алфозда Темурбей уч кун шаҳар қаршисида туриб қолди ва тўртинчи куни лашкарининг катта бир қисмини олиб Ҳалабдан икки лйе (чақирим) узоқликдаги баланд тоғ ортига ўтди ва ўғлини 30 минг аскар билан шаҳар қаршисида қолдириб, агар султон кучлари унга ҳужум қилса, бир оз жанг қилиб, сўнгра чекинишни буюрди. Ўғли ҳам уч кун давомида отаси айтганича иш тутди: султон қўшинлари унга қарши жанг бошласа, у бир оз курашган бўлар ва сўнгра чекинарди; тўртинчи куни ўртада катта жанг бўлди ва ўғил одатдагидан узоқроққа чекинди, султон лашкарлари уни шунчалик узоққа қувлаб бордиларки, тоғнинг ортида бекиниб турган Темурбей фурсатдан фойдаланиб ғаним қўшини билан шаҳар деворлари ўртасидаги жойни эгаллади ва султоннинг ўн тўрт минг аскарини ўлдирди, сўнг шаҳарни эгаллади.

Темурбей бу ердан Дамашққа йўл солиб, шаҳарни қамалга олди ва у ерда ўн бир кун турди; шаҳар деворларининг остига кўп миқдорда портловчи моддалар қўйдиртирди, бироқ Темурбейнинг лашкарлари кўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда кўп аскарлари, ҳисобкитобларга қараганда, ўн беш мингдан зиёди ҳалок бўлди. Навбат Туркнинг учинчи баталйонига келди. Бу қисмда унинг ўғиллари ҳам жанг қилдилар ва аксарияти ҳалок бўлди, қолганлари қочмоққа тушди. Буни қузатиб турган Тўр тўртинчи баталйонини жангга ташлаб, унга шахсан ўзи қўмондонлик қилди. Бироқ ҳалокатга учраганини сезгач, қочмоқчи бўлди, лекин қоча олмади. Зеро, уни Темурбей аскарлари тўла қуршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг йигирма саккизи, жума куни соат йигирма тўртда қўлга олинди. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бу муҳорабада иккала томондан қирқ минг киши ҳалок бўлди; Темурбейга нисбатан Турк кўпроқ қурбон берди.

Жуда кўп турклар қочиб қутулдилар, хусусан, Туркнинг икки ўғли ярим тунда қурол-яроғсиз ва кийим-бошсиз қиб-ялангоч қочдилар. Темурбей лашкарларининг катта бир қисмини Туркнинг бош шаҳри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, тоби қочган Туркнинг хазинасини қўлга киритди; бу хазинани ҳамда кўпсонли хизматкорлар ва қулларни Семеркантга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темурбейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қарашли ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тўнғич ўғли Юнонистонга ўтиб кетди, у ҳозир ҳам ўша ерда иззат-ҳурматда; кенжа ўғли Туркияда ва Темурбей унинг изидан қувиб юрибди. Бу нима билан тугашини Худо билади. Тангрининг иродаси Темурбейдан бошқа бирор тирик жонга аён эмас.

XVII. Эдигни исмли императорнинг Темурбейга қилган хиёнати хусусида

Темурбей, чамаси, бундан икки йил бурун Мўғулистоннинг Эдигни (Идику барлос) исмли императорига ўз элчиларини йўллаганди. Оқ мўғулларнинг мазкур ҳукмдорининг бош шаҳри Соркате (Судак) Кафа-(Одесса)дан 18 чақирим нарида жойлашган бўлиб, унинг лашкари юз эллик минг суворийдан иборат эди. Элчилар ўша ҳукмдорнинг қизини Темурбейнинг ўғли учун сўрашди, ҳукмдор рози бўлди; бироқ у узр сўраб, қизини Темурбейдек қудратли ҳукмдорнинг ўғлига узатиш учун зарур тақинчоқлар ва сармояси камлигини баҳона қилди ҳамда элчилардан ўз ҳукмдорларидан келинни ясатиш учун керакли зеб-зийнат буюмлари юборишини ва унинг (келиннинг) истиқболига саройидаги энг нуфузли кишиларни жўнатишини илтимос қилишларини сўради. Элчилар унинг илтимосини Темурбейга етказдилар. Элчиларнинг ҳисоботини эшитиб Темурбей бағоят шод бўлди, шу заҳотиёқ тилла, кумуш, жавоҳир ва қимматбаҳо шоҳи матолар ортилган йигирма беш туя, саройидаги энг юқори лавозимдаги саккиз баронни (аъённи) Қипчоққа жўнатди.

Карвон Эдигнининг ҳузурига етиб боргач, у тилла, кумуш, жавоҳирлар ва бошқа моллари қабул қилди, аъёнларни эса банди қилиб, пулларини тортиб олди, аммо Темурбейга қизини жўнатмади. Темурбей дунёда ҳеч ким мени бу қадар алдамаган, деб шунчалар изтироб чекдики, ҳеч ким бу ҳолга тушган эмас; у умрида бунчалик куюнмаганини айтиб, бунинг учун ўч олмагунча тинчимаслигини билдирди.

Темурбей ҳозиргача амалга оширган ишларидан кўпроқ иш қилиши мумкин эди, бироқ у ўзидан ҳам катта ҳукмдор бошқараётган Форс(-Эрон)дан йироқлашиб кетишга журъат эта олмаяпти. Бу ҳукмдорнинг қудрати унинг қудратидан бир ярим-икки баравар кўп бўлиб, исми Тамирасак (бу ерда архиепископ кимни назарда тутаётганини била олмадик), Маласан ҳукмдоридир. Бу ерда аҳвол шу даражага бориб етганки, Темурбей расман у ўлканинг ҳам ҳукмдори ҳисобланса-да, асл хўжайини Тамирасақдир. Баъзиларнинг айтишига қараганда, агар ул иккиси бир бўлсалар, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш.

XVIII. Темурбей Буюк Туркни қандай маҳв этгани ва банди қилгани хусусида

Лашкарларининг сони ва мардлиги жиҳатидан қудратли бўлган Темурбей баталйонларини (фавжларини) тепаликлар ва дараларга яқин жойда тартибга солди; уларнинг ортига ўзининг энг катта баталйонига бўлди; ғанимга яқинлашиб унинг лашкарларидан қўрқиб кетган туркларнинг биринчи баталйони сардори ўз қўл остидаги барча аскарларини олиб қочишга тушди; Турк буни кўриб уларни ортига қайтармоқчи бўлди, бироқ баталйон сардори унинг амрига қулоқ солмади ва кўздан ғойиб бўлди.

Шундан сўнг Турк иккинчи баталйонини жангга ташлади, бу қисм жон-жаҳди билан жанг қилди, бироқ Темурбейнинг лашкарлари кўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда кўп аскарлари, ҳисобкитобларга қараганда, ўн беш мингдан зиёди ҳалок бўлди. Навбат Туркнинг учинчи баталйонига келди. Бу қисмда унинг ўғиллари ҳам жанг қилдилар ва аксарияти ҳалок бўлди, қолганлари қочмоққа тушди. Буни қузатиб турган Тўр тўртинчи баталйонини жангга ташлаб, унга шахсан ўзи қўмондонлик қилди. Бироқ ҳалокатга учраганини сезгач, қочмоқчи бўлди, лекин қоча олмади. Зеро, уни Темурбей аскарлари тўла қуршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг йигирма саккизи, жума куни соат йигирма тўртда қўлга олинди. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бу муҳорабада иккала томондан қирқ минг киши ҳалок бўлди; Темурбейга нисбатан Турк кўпроқ қурбон берди.

Жуда кўп турклар қочиб қутулдилар, хусусан, Туркнинг икки ўғли ярим тунда қурол-яроғсиз ва кийим-бошсиз қиб-ялангоч қочдилар. Темурбей лашкарларининг катта бир қисмини Туркнинг бош шаҳри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, тоби қочган Туркнинг хазинасини қўлга киритди; бу хазинани ҳамда кўпсонли хизматкорлар ва қулларни Семеркантга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темурбейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қарашли ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тўнғич ўғли Юнонистонга ўтиб кетди, у ҳозир ҳам ўша ерда иззат-ҳурматда; кенжа ўғли Туркияда ва Темурбей унинг изидан қувиб юрибди. Бу нима билан тугашини Худо билади. Тангрининг иродаси Темурбейдан бошқа бирор тирик жонга аён эмас.

XIX. Темурбейнинг салтанати ва шаҳарларидаги тартиб-қоидалар хусусида

У ўз фуқароларига бир қанча солиқ ва тўловлар жорий этган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади ва уларни, айниқса, фаранглар ва насораларни рағбатлантиради, салтанати ҳудудида уларнинг хавфсизликларини таъминлайди. У кўп масканларда олинадиган жон ва туз солиқларини бекор қилди ва бу солиқлар фақат йирик шаҳарларда олинсин, деб фармон берди. У салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиганларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қимматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қимматининг беш баробари миқдорида жарима тўлайди.

Барча аҳоли масканларида унинг масъул кишилари бор ва у адолатга қатъий риоя этади ҳамда жиноят қилган ҳар қандай кимсага, кимлигидан қатъи назар, шафқат қилмайди: кичик бир жинояти учун каттаю кичик амалдорларга шу заҳотиёқ жазо тайинлайди; жазо асосан жарима шаклида бўлади: айбдорлар катта миқдорда жарима тўлайдилар. Унинг амалдорлари жуда бой ва тўқ яшайдилар, шу боисдан улардан катта пул ундирилади. Бу пуллар нақ юз хачирга юк бўлади ва улар ҳар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар ва ўлкалар ҳар йили даромадларининг ўндан бири ёки чорагини салтанат хазинасига топширадилар. Бу иш билан унинг ғазначилари ва нозирлари шуғулланади.

Темурбейнинг ўзи шахсан ҳеч кимга озор бермайди ва у шундай қилган одамларни қаттиқ жазолайди. Зеро, у сафарда юрган пайтида кўплаб адолатсизликлар бўлиб туради. Шаҳарлар ва ўлкаларни унинг ўғиллари, жиянлари ва аъёнлари бошқаради. Унинг нақд пулда маош бериш одати йўқ, бироқ у ўз аъёнларига ер-мулк беради ва бошқа туҳфалар қилади. У ўз фармонларига барча ерда сўзсиз итоат этилишини истайди ва ажнабийлардан кўра кўпроқ ўз фуқароларидан ҳадиксирайди.

XX. Темурбейнинг душманлари бўлмиш айрим қудратли императорлар хусусида

Темурбейнинг асосий рақиблари Шарқдадир. Бу энг аввало Катай(Хитой)нинг буюк императоридир. У камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб, куч-қудратда Темурбейга тенг ёхуд ундан зиёдроқ. Унинг иккинчи рақиби Форс императори (Султон Аҳмад Жалоирий) бўлиб, у бундан ўн беш йил илгари Темурбейдан зўрға қочиб қутулган. Ҳозир Бадаш ва Калдея-(Ироқи Араб)нинг қолган қисмларига ҳукмронлик қилади. Унинг яна бир рақиби Миср султони. Мўғулистонлик Эдигни эса, унинг асосий душманидир. Зикр этилганлардан кейинги учтаси сарацинлар мазҳабидан. Темурбейнинг яна бошқа душманлари ҳам бор. Улар ундан қўрқадилар ва унинг ўлимини кутадилар. Улар ўзларича башорат қилишиб, Темурбей Қоҳирада мағлубиятга учрайди ва ҳалок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темурбей, аксинча, бунга ишонмайди ва ҳали яна узоқ умр кўраман, дейди.

XXI. Темурбейнинг ҳузуридаги шоҳ ва шаҳзодалар хусусида

Энг аввало, Мўғулистон императори у билан бирга. У кўнгли нимани хоҳласа, шуни қилади. Маластан қироли, Коросан қироли, кўп мамлакатлар ва ўлкаларнинг ҳукмдорлари, шаҳзодалари ҳамда бир қанча кичик ҳукмдорлар унинг ҳузуридалар. Шоҳ Алдин ҳам унинг ёнида, бироқ ундан қочиб юради. Форс императорининг икки ўғли ҳам унинг ёнида(шоҳ Шужоънинг Шибли ва Зайн ал-Обидин исмли ўғиллари). Гургония императорининг укаси шоҳ Бокаран (Баҳром) ҳам унинг ҳузурида. Темурбей забт этган барча вилоятлару ўлкалар ҳокимларининг тўнғич ўғиллари ва ўлка ноиблари ҳам у билан бирга; илм-фан, хусусан, астрология, медицина ва нигромания (қорамагия)нинг энг кучли олимлари ҳам унинг ҳузурида: у илмли ва яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъзозлайди. Темурбей улар билан савол-жавоб қилишни хуш кўради. У зикр этилган инсонларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлади ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Узоқ ўлкалардан келган элчиларга ҳам худди шундай муносабатда бўлади. Шунга қарамай, улар ўзларини эмин-эркин ҳис эта олишмайди: зеро, унинг ёнида бойбадавлат юришдан кўра, ундан узоқроқ туриб, қашшоқликда яшашни ихтиёр этувчи шоҳлар ва шаҳзодалар ҳам учраб туради. Буюк Турк ҳам унинг ёнида, унга катта ҳурмат-иззат кўрсатилмоқда.

XXII. Темурбейнинг имон-эътиқоди ва унга қилинган башоратлар хусусида

Темурбей ўз эътиқоди бўйича сарацин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди, ҳам қийнайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди. Мана энди, Султония архиепископи биродар Жанни ва доминикан мазҳаблик биродар Франсуани кўрганидан — бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг хатосини англаб, қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрихоҳлик қилади ва эҳтиром кўрсатади, хусусан, лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган. Айниқса, савдогарларга ўз эътиқодларига риоя қ

ЧОЙХОНА ҲИКМАТЛАРИ

Думбаёғ — ошга ҳусн,
Қора соч — бошга ҳусн.

* * *

Ҳар ёзилган шеър бўлмас,
Ҳар кўринган — эр бўлмас.

* * *

Гоҳо бемаза таомни ҳам охиригача ейдилар.

* * *

Шеърлик даражасига етмаган шеърни шеър деб, кўтариб юриш — шерлик эмас!

* * *

Насияга мол бермайдими, билингки, бу тужжорнинг отаси ҳам тужжор ўтган.

* * *

Бозорда сабзи ўтмай ётган бўлса, бу ҳали ошнинг таназзули эмас!

* * *

Ер чарчаса чарчасину
Эр чарчамасин!

* * *

Хуржун бўшми, демак девона — аразчи!

* * *

Қизиққон одам қизариб-бўзариб гапиради, аммо унинг гаплари ҳеч кимни қизиқтирмайди.

* * *

Бир-икки марта кўз чиқармаган одамнинг дурустроқ қош қўйишига ишониш қийин.

* * *

Бермаснинг оши пишмас,
Саҳийнинг тоши — ҳилҳил!

Ҳикматшунос
А.ОҒАЛИЕВ

ШАФТОЛИ

Муҳаммад ОЧИЛ

Ҳаҳҳа

Қурбон қассоб хастахона палатасида билагига бошини қўйганича мудраётганди, мушук тирнагандек эшик қитирлади. Бемор ҳушёр тортди. «Ким кўргани келдийкин? Каттаси бўлса, шартта очиб.. Ёки супрақоқдисимикин? Ким келса ҳам дуруст бўлди. Қорин очиб таталаётганди...»

— Ким у? Кир-киравер...

Эшик табақаси қия очилиб, олдин қийшиқ гардишли шляпа, сўнг икки ёноғи қип-қизил башара кўзга ташланди.

Қассоб «келган киши»ни кўриб таажжубланди.

— Иби... Қурим-м... Қулмурод-мисан?! Бахай... Қандай шамол учирди?

Қулмурод қурумсоқ бепарво тарзда палатага кўз югуртирди, нигоҳи бир зумда дераза рахидаги дори-дармон қутилари, тумбочка устидаги чойнак-пиёла, деворда осиғлиқ манзарали суврат ва ниҳоят, хона бурчагида турган қоғоз халта... узра сузиб чиқди. Шундан сўнг остона ҳатлади. Қўлидаги тугунчани оёқлари орасига қўяркан, кроватнинг четига омонатгина ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашга тутинди.

— Ҳм-м... Қассоб! Қалайсан, жўра? Тузалиб қолдингми?

Сенинг касалинг, билсам-билмасам, суқдан! Пичоғинг доим ёғ устида бўлгандан сўнг, суқланасан-да! Бу дўхтирлар суяксиз лаҳм сўраб гаранг қилаётгандир?

Қурбон қассоб мийиғида кулганча, жўраси олиб келган «Тугунча»га кўз қирини ташлади.

— Ҳа, энди дорбозники дордан, морбозники мордан...

Ўзингдан гапир. Нималар кўтариб, ташвиш-тадорик қилиб юрибсан? Қуруқ кесанг ҳам... Менга қара, касалхонага тушганимдан қандай хабар топдинг?

Қулмурод қурумсоқ ўз навбатида хона бурчагидаги қоғоз халтадан кўз узмай жавобга юзланди.

— Шу десанг, кенжа ўғилдан хабарлашай деб паст қишлоққа оралагандим. Ҳовлисини кўрсанг, мева тўкилиб ер билан битта бўлиб ётибди. Гапнинг очиғи, хафа бўлдим. Ўз пушти камарингдан бўлган бола манзират учун ҳам: «Отавой, ҳеч бўлмаса мана бу чумчуқ чўқилаганидан енг!» демади-я! Қайтага соғ бошимга сақич ёпиштирди. «Келининг из бачча топган! Дармонга иниши учун қўй гўштидан шўрва керак. Қани, пенсия пулидан чўзинг!» деди-я! Эҳ, фарзанд ноқобил бўлсаям жигарнинг жазиллама жойидан бўларкан. Шошма, дедим, Курбон қассоб офтобда қатиқ, салқинда сарёғ ялашган жўрам бўлса... Болаликда сомон ўғирликда, колхоз боғидан мева ўмаришка бирга бориб, мазасини ҳам, азобини ҳам баҳам кўрганмиз! Шундай экан, бир сафар-икки сафарга бир кило, икки кило... гўштни шуннай текинига «падарка» қиворади, деб сени йўқлагандим. Борсам, дўконингда кўзининг калласидек қулф! Ҳалиги, алкаш куёвинг бор-ку... Ўша иккита улфати билан... Хуллас, адресингни олиб бу ёққа қараб йўртдим. Уф-ф, обед пайти ҳам бўп қолди-я! Менга қара, касалинг оғирмасми, иштаҳанг қандай?



Қурбон қассобнинг юзига қон югурди.

— Ҳа-а, энди бизди касал бор-йўғи белангида! Ошқозонга алоқаси йўқ. Иштаҳам, сенга айтсам, бўрдоқига боқилаётган буқаникидай...

Қулмурод қурумсоқ хурсанд бўлиб кетди, кафтларини бир-бирига ишқалади.

— Ўҳ-ў! Унда бир мазза қиларканмиз-да... Ёғли овқат ҳам-а?

— Еяберамиз...

— Қатиқлисини-чи?

— Унисида ҳам нушхўрт чиқармаймиз...

Шундан сўнг икки жўра дастлаб бир-бирларига мўлтираб тикилишди, сўнг қассоб тугунчага, қурумсоқ эса қоғоз халтага қараб тамшанишди. Орадан бир пиёла чой совигулик фурсат ўтди. Оғир сукунатни яна Қулмурод қурумсоқ бузди.

— Бу ҳалиги... Шунақа қилиб.., мен яхши кўрадиган шафтолига таъбинг қалай?

Қассоб энди туриб ўтирди.

— Ёғли овқатдан кўра-ку, мева-чева ҳам дуруст! Раҳмат, жўра...

Ташвиш чекиб-а?

Қулмурод қурумсоқ қўл силтади.

— Қизиқмисан, таом ейиш ҳам ташвиш бўлди-ю! Сенга айтсам, меваларинг шоҳи шу — шафтоли! Сен ўзи шафтолини қандай ейишни биласанми, оғайни?

Қурбон қассоб қилқ қилиб ютинди.

— Ҳа, энди... Шафтолихурликка ўғирликка борганимизни эслай дебсан-да,а...

Қулмурод қурумсоқ лабларини чалпиллатди.

— Болаликни қўй, сен шафтолидан гапир! Эй-й, умри суяк ғажиш билан ўтган одамга хайф! Мана қулоқ сол... Шафтолини ейиш учун ҳеч қачон сувда ювма, таъми қочади. Олдин туклари сидирилади, сўнг пўсти оҳиста, авайлабгина шилинади... Ие, тупугинг соқолинга тўкилдими?

— Оҳ-оҳ-оҳ!, — деб юборди Қурбон қассоб. — Иштаҳани ҳам ўчоқ қилиб юбордингку, жўражон!

— Ҳовлиқма! — Қулмурод қурумсоқ ҳам икки-уч ютиниб олгач, кўзини юмиб олди. — Шафтолининг пўсти арчилгач, бир тўйиб чуқур нафас оласан-да, оғзингга олиб борасан...

— Оҳ-оҳ-оҳ!

— Оғзингга олиб боргач, секингина тилинг билан танглайингга босасан...

— Воҳ-воҳ-воҳ!!!

— Аммо лекин, мен сенга айтсам, шафтоли еганингдан сўнг, ҳеч қачон хом сув ичма...

— Ичмайман! Ичмайман!! — жон ҳолатда бақирди Қурбон қассоб. — Жон жўра, бўлди... Бу ёғига сабрим чидамайди. Ол, ўша шафтолингни!

Қулмурод қурумсоқнинг юмуқ кўзлари чарақлаб очилди.

— Қанақа... шафтоли?

— Қанақа бўларди? — Қурбон қассоб жўрасининг оёқлари орасидаги тугунчага имо қилди. — Анови олиб келган, ярим соатдан буён мақтаётган матоҳингнида! Қани, бу ёққа узат-чи...

Қулмурод қурумсоқ тутилинқиради.

— Мен... ҳалиги.. Сен касал бўлсанг... Сени кўргани ул-бул нарса олиб келишган бўлса... Тағин исроф бўлмасин, бирга баҳам кўрармиз, деб келгандим... Менга қара жўра, ҳув анави қоғоз халтангда нима бор?

— Ҳа-а... Уми? Қотган -қутган нон бўлаклари. Уйдагилар келишса олиб кетишади, товуқ-мовуққа ивитиб беришади. Менга қара, жўра... Гапни алаҳситма! Тугунингда нима бор ўзи? Қулмурод қурумсоқ ҳафсаласи пир бўлгандек ўрнидан қўзғалди.

— Нима бўларди... Бўш банка! Тумбочканг тўлиб-тошиб, овқатинг ортиб-мортиб ётган бўлса, олиб кетарман десам... Ҳе, яна бу киши оғайни эмиш. Эпласанг, касал бўлда...

Палата эшиги тарақлаб ёпилди. Қурбон қассоб ўзини беҳол сезди...

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

БЎРИЛАР ЎТ ЕМАЙДИ

Бўрилар ҳам ўт еса.
Ажойиб иш бўларди.
Ўшандоқ давр келса.
Қўйлар ўйнаб-куларди.
Лекин бўри — бўрида,
Қўй, қўзини қийратар,
Юрагининг тўрида

Ёвузлик писиб ётар.
Нима ҳам дердик ахир,
Уни шундоқ яратган.
Кўзларин азал тақдир
Яйловларга қаратган.

БОЙ ЁНҒОҒУ ЁҒ ЁНҒОҚ

Ёнғоқ, ёнғоқ, ҳой ёнғоқ,
Боғларни қил бой, ёнғоқ.
Ўсавергин гуркираб,
Танламагин жой, ёнғоқ.

Боғ ёнғоғу тоғ ёнғоқ.
Ичи тўла ёғ ёнғоқ.
Сени чақиб еганнинг
Кўнгли бўлсин чоғ, ёнғоқ.

Саломатлик сендадир,
Аломатлик сендадир.
Дўстларимга улашай,
Валломатлик мендадир.

Ёнғоқ, ёнғоқ, мой ёнғоқ,
Боғларни қил бой ёнғоқ.

БАЛИҚЧИ БОЛА

Балиқ тутдим дарёдан,
Тангалари оқ кумуш.
Гўшти ширин сарёғдан,
Пишса бўлар зўр емиш.
Лекин осонмас, ака,
Ҳар кун балиқ тутмоқлик.
Сувда сузган пўкакка
Тикилганча кутмоқлик.
Балиқ овин ҳам ахир
Чидаганга чиқарган.
Балиққа тўлар пақир,
Кимки овга чиқаркан.

КЎНГИЛГА НАЗАР

Мутолаа

Инсонни комилликка етакловчи манба китобдир. Мутолаа тўхтаган жойда инсон маънавий таназзулга юз тутади.

«Маънавият» нашриётининг бош муҳаррири, шоир Усмон Қўчқор мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Маълумки, мамлакатимизда маънавиятнинг устивор йўналиши миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, халқимизнинг асрий урф-одатлари, маросимларини тиклаш, яъни маънавиятнинг миллий тарихий илдизларини ҳар томонлама ўрганиш бугунги маънавий тараққиётимизнинг таркибий қисмига айланган. Шундан келиб чиқиб, бизнинг нашриёт ҳам, мана бир неча йилдирки, нафақат миллий маданиятимиз, балки умумбашарий қадриятларни турли жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилиб келяпти. Бош мақсадимиз ҳам адабий-бадиий меросни халққа етказишдир. Шу кунгача «Фикр ва зикр», «Истиқлол қаҳрамонлари», «Бадиият», «Жаҳон халқлари адабиёти», «Хотира» каби рукнлар остида бир қатор китоблар нашр этдик. Бундан ташқари, «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси», «Маънавият асослари» дарсликлари, ўқув қўлланмалари ҳамда бир қанча плакатлар чоп этилди.

Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш — ёш авлодни маънан тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак. Инсон маънавий дунёсини табиат ва жамиятдан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Ватан мустақиллиги, халқ эрки ва маърифати учун кураш олиб борган жадидларнинг йигирмага яқин асарлари ўқувчилар қўлига етиб борди. Махмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Мунаввар Қори ва бошқа миллий уйғониш даври йирик намояндаларининг китоблари оммалашиб кетди.

Китобхонларнинг талабларига биноан бу асарларни қайта нашр этмоқчимиз. Бундай муносабатлардан, эътибордан фақат хурсанд бўлиш керак. Шундан келиб чиқиб биз Алишер Навоийнинг «Муножотнома», «Муншаот» ҳамда Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асарларини чоп этдик. Нажмиддин Комиловнинг «Тафаккур карвонлари», Иброҳим Ҳаққулнинг «Илҳом ва идрок», Ш.Шариповнинг «Лисон ут-Тайр» ҳақиқати» каби асарларида мумтоз адабиётимизнинг намуналари янгича нуқтаи назардан таҳлил ва талқин этилди.

Маънавиятимизнинг бугунги аҳволи, муаммолари борасида устоз Озод Шарафиддиновнинг долзарб мавзудаги мақолаларидан иборат қатор китоблари халқимиз ва адабиётимиз ҳаётида катта воқеа бўлди деб ўйлайман. Домла маънавият, ёшлар тарбияси, жамият ҳаётига дахлдор бошқа соҳаларга оид энг муҳим муаммоларни куюнчанлик билан кўтариб чиқади. Чуқур мантиқ билан асослаб беради.

Афсуски, кейинги йилларда бозор иқтисодиёти муаммолари айрим ижодкорларни, баъзи ноширларни шошириб қўйди ҳам. Бадиий саёз олди-қочди нарсалар гўё «бозорбоп»лиги учунгина нашр этилаётгани сир эмас. Ўз ҳисобидан китоб чиқарадиган ёки ҳомий топадиган муаллифлар ҳам талайгина. Бундай «ишбилармон» муаллифлар, бир-бирлари билан мусобақалашгандай, бир йилда уч-тўртталаб китоб чиқармоқдалар. Бизда нашрдан чиқаётган китоблар савияси маънан юксак бўлиши, ўқувчини инсоний комиллик, камолот сари етаклаши шарт. Бадиий асарларни чоп этганда, долзарб ва оригиналлигига, савиясию фикрларнинг салмоғига эътибор қаратамиз. Нашриётга қўлёзма кўтариб келадиган муаллифлар кўп. Лекин шундай муаллифлар борки, уларнинг ҳузурига асар сўраб ўзимиз борамиз, ҳеч бўлмаганда уларнинг мулоҳазалари, таклиф ва истакларини инобатга оламиз.

Етук бадиий асар ҳамиша инсон маънавиятини бойитади. Омон Мухторнинг «Афлотун», Анвар Обиджоннинг «Аламазон ва Гулмат», Эркин Аъзамнинг «Пакананинг ошиқ кўнгли», Саъдулла Сиёевнинг «Яссавийнинг сўнгги сафари», Шойим Бўтаевнинг «Кўчада қолган овоз» каби насрий асарлари китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди. Абдулла Ориповнинг «Шоир юраги», «Кўзтумор», Фахриёрнинг «Геометрик баҳор», Сирожиддин Саййиднинг «Кўксимдаги зангорларим», Хосият Рустамованинг «Нажот» каби тўпламлари бугунги ўзбек шеъриятининг даражасини кўрсатувчи асарлар бўлди.

Халқ оғзаки ижоди ҳам маънавиятимизнинг муҳим қисми ҳисобланади. Халқ ўз орзу-умидлари, турмуш тарзи, бадиий ҳофизаси, ахлоқий жиҳатларини достонлар, эртаклар, қўшиқларда жуда нозиклик билан акс эттирган. «Алпомиш билан суҳбат», «Тўйлар муборак, ёр-ёр», «Достонлар — тарбия манбаи», «Алпомиш талқинлари» китобларида бевосита фолклор намуналари ёки уларнинг таҳлил ва талқинлари ўз ифодасини топган.

Маънавият ҳақида гап кетганда, албатта, ёш ўқувчиларимизни ҳам эсда тутмоқ лозим. Шу боис ўзбек ва жаҳон адабиётидаги энг яхши асарларни изчиллик билан чоп этиб боряпмиз. О.Уайлднинг «Бахил пахлавон», А.Сент-Экзюперининг «Қичкина шаҳзода», Ханс Кристиан Андерсеннинг «Қор маликаси» ва Анвар Обиджон, Қамбар Ота, Йўлдош Сулаймон каби ижодкорларимизнинг асарлари, шунингдек, турк, озар, уйғур, ёқут эртакларини болажонларга туҳфа этдик.

Нашриётимизнинг олдида турган режалар жуда катта. Халқимизнинг маънавиятини бойитишга, адабий-бадиий савияни юксалтиришга ҳисса қўшадиган китобларни йиллик режамизга кўплаб киритганмиз.

— Бугунги кунда китоб савдоси борасида бир қанча муаммолар мавжуд. Сизларда ушбу муаммолар қандай бартараф этиляпти?

— Тўғри, бу муаммоларни ҳамма ўзича ҳал қилиш йўлларини излаб кўрмоқда, жумладан бизнинг нашриёт ҳам. Гап фақат китоб нархининг қимматлигидагина эмас, аввало, нашр этилган ва этилаётган китоблар рекламасини кучайтириш зарур. Қолаверса, бугунги кунда шаклланиб келаётган хусусий китоб савдоси ходимларининг қачон «қадам ранжида» қилишини кутиб ўтирмасдан, нашриётларнинг ўзи республикамизнинг олис-олис бурчакларига китоб етказиб бериш масалаларини жиддий ўйлаб кўрмоғи лозим. Биз Тошкент шаҳридан ташқари Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё каби бир қанча вилоятларда ўз китоб дўконларимизни очдик.

Жамият ҳаётида бадиий адабиётнинг ўрни жуда катта. Бадиий асарлар мутолааси кўнгилга назар ташлаш — ўзликни англаш учун имкон беради. Инсоннинг қалби у орқали покланади. Чунки ўша паллада ўй-фикрлар наинки онгдан, балки қалбдан ҳам ўтади.

Суҳбатдош:
И.ҚУШШАЕВА

Газетанинг ушбу сони таҳририят қошида ташкил этилган «Маҳорат мактаби» тингловчилари ҳамкорлигида тайёрланди.

Дунё — кенг...



УЛУҒЛАРНИНГ ҚИЁФАЛАРИ

Яқинда италиялик олимлар анча шов-шувларга сабаб бўлган кашфиётларга қўл урдилар. Уларнинг кашфиётлари улуғ шоирлар Данте Алигьери ва Франческо Петрарка ҳамда буюк мусаввир ҳайкалтарош Микеланжело Буюнарроти ташқи қиёфаларини акс эттириш имконини беради.

Санъат тарихи мутахассиси Моника Донато Флоренциядаги юристлар ва нотариуслар Цехининг чордоғида Дантенинг портретини топишга муваффақ бўлди. Италиядаги музейлардан бирида Микеланжелонинг қиёфаси ишланган ҳайкал намойиш этилди. Унда буюк мусаввирнинг етмиш ёшдаги ҳолати акс эттирилган. Ҳайкал шу пайтгача хусусий коллекцияда сақланиб келинган экан. Колумбия (АҚШ) университети профессори Жеймс Бек бу топилдиқ мусаввирнинг автопортрети бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Педуя университети ходимлари университет ертўласида сақланаётган нарсалар орасидан Франческо Петрарка бош чаноғининг гипсга кўчирилган нусхасини топишганини эълон қилишди. Бу нусха олимлар томонидан шоир қабри очилган 1873 йилда олинган экан.

МЕВАЛАР ГЎШТ ЎРНИНИ БОСМАЙДИМИ?

Узоқ йиллик тадқиқотлардан кейин Калифорния университети доктори Линдси Аллен шундай хулосага келди: вегетарианлик болалар соғлиғи учун жуда зарарли.

Икки йил давомида етти ёшли беш юз қирқ тўрт нафар болага ҳар куни икки қошиқдан (60 граммга яқин) пиширилган мол гўшти қиймаси бериб борилган. Бошқа мактаб ўқувчилари эса шунга тенг қувватдаги бошқа озиқ-овқат — сут, ўсимлик ёғи, мева ва сабзавотлар билан таъминлаб турилган.

Тажриба натижалари қиёсий таҳлил этилганида, гўшт истеъмол қилган болалар фақат сут ва мева, сабзавотлар билан озиқланган тенгдошларидан ақлий жиҳатдан устунликларини намойиш этишган. Хулоса шуки, болаларнинг ҳам соғлом, ҳам ақли расо бўлиб ўсишларида мева, сабзавотлар гўшт ўрнини боса олмас -экан.

ГЕЙТСНИНГ ҲАВОТИРИ

Кейинги пайтларда компьютер «қироли» Билл Гейтс ва унинг оила аъзолари мунтазам қўриқчилар ҳамкорлигида юрадиган бўлишди. «Майкрософт» эгаси ўзининг умр йўлдоши Мелинда, уч нафар болалари ва ҳаёти учун жиддий ташвишда.

Жаҳондаги бу энг бой-бадавлат инсонга олдинлари ҳам таҳдидлар бўлган. Бироқ тан қўриқчилари хизматига Гейтс яқингача эҳтиёж сезмаган эди. Бесақолбозларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги қонунни қўллаб-қувватлашни рад этганидан кейин унга нисбатан таҳдидлар кескин ортиб кетди. Ўша қонунни Вашингтон штати қонунчилари кўриб чиқишмоқчи. Улар фаолият кўрсатаётган бинода «Майкрософт»нинг қароргоҳи жойлашган.

Бесақолбозлар «сотқин»дан қасос олиш билан таҳрид қилишмоқда. Айтишларича, олдин Билл Гейтс уларнинг тарафида бўлган, кейинча консерваторлар ва ўнг кучлар босимига бўйин эгган.

ИКИР-ЧИКИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Лондондаги «Серпантин» галереясида ғаройиб кўргазма очилди. Кўргазма «Менинг плейстейшн»им деб номланган.

Кўргазмага етти минг олти юз дона икир-чикирлар қўйилган. Улар орасида майда нарсалардан тортиб кир ювиш машиналари, бузилган, синган ўйинчоқлар,. уй-жиҳоз идишлари ва турли-туман лаш-лушлар бор.

Бу кўргазмани япониялик ўттиз саккиз ёшли мусаввир Томоко Такахаши ташкил этган. Кўргазманинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга ташриф буюрган ҳар бир томошабин уйига қуруқ кетмайди — бирор-бир сувенир олиб кетади. Томошабин кўргазмада ўзига ёққан экспонатни танлаш ҳуқуқига эга. Экспонатлар эса бисёр, ҳаммага етади.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси актёр **Алишер ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, дўст-қадрдонларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 353. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Адади — 5280